O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил 25 ДЕКАБР сешанба № 52 (256) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

САРҲИСОБ

Янги йил ҳар биримизга бахт, қувонч ва қут-барака олиб келсин!

Яна бир йил адоғига етиб бораётир. Сиз бир ёшга улғайдингиз. Биз ҳам.

Бир сўз билан айтганда, умр ўз йўлида шиддат билан илгарилаб бормоқда. Айтадиларки, умр — оқар дарё. Ўтган кун қайтиб келмайди. Бугун инсон ўзи учун, туғилган тупроғи учун, элдошлари учун нима қилган бўлса, эртага у тарихга айланади. Агар инсон ўтаётган умрида савобли ишлар қилаётган бўлса, у умр поёнида афсус чекмайди. Зеро, ҳар қандай инсон ҳам бир вақти келиб, ўзига-ўзи сарҳисоб бериши тайин. Айниқса, бир йил тугаб, иккинчи йил бошланаётган дамда ҳар бир киши ўтган умрига яна бир қур назар ташлайди. Қандай савоб ҳамда эзгу ишларга қўл урдим, дея сарҳисоб қилади. Келгусида амалга оширмоқчи бўлган ниятларини режалаштиради. Азалий таомил шундай.

Азиз газетхон!

Шу маънода биз билан сизнинг газета орқали қилган мулоқотимиз ўтган бир йил мобайнида ҳаётингизда қандай из қолдирди? Яъни бир-биримизга дардкашу дилкаш маслаҳатчи-ю, кўмакчи бўлдикми?

Баъзан ҳамкасб қаламкашлар орасида шундай гап қулоққа чалиниб қолади: "Кейинги пайтда одамлар газета ўқимай қўйишди...".

Бу гапда нечоғлик жон бор, билмаймиз. Аммо таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, иккинчи бир савол пайдо бўлади: хўш, одамлар газета ўқимай қўйган экан, бунинг сабаби нимада? Айб одамлардами ёки газетада?

Назаримизда, ҳар бир газета ўз олдига мана шу саволни қўйиб, унга жавоб бериб кўрадиган бўлса, бор ҳақиқат аён бўлади. Бу борада бизнинг хулосамиз шундай. Одамлар газета ўқиянти. Фақат танлаб, яхши нашрларни мутолаа қилаяпти ўқувчилар. Гап шундаки, бундан ўн йил аввал ўқувчиларимизда танлаб ўқиш имконияти йўқ эди. Чоп этиладиган тўрт-бешта марказий нашрларни истаса-истамаса, мутолаа қилишга мажбур эди ўқувчи. Бугун эса ундай эмас. Бугунги ўқувчининг онги, дунёқараши бошқача. Энг асосийси, боя айтганимиздек, бугунги ўқувчида танлаш имконияти бор. Биз газетани нашрга тайёрлаш жараёнида мана шу оддийгина ҳақиқатни унутиб қўймасак, бас! Шунда содиқ ўқувчиларимиз доимо биз билан ҳамроҳу елкадош бўлишига шубҳа йўқ.

Мана шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, ўткир сўзнинг қадри ҳамиша ва ҳамма даврда ҳам баланд бўлган. Бугун, яъни бизнинг давримизда эса рост сўзнинг қадри янада сарбаландроқ, янада қадрлироқдир. Ахир, биз бугун ҳеч кимни кўр-кўрона мақтамаймиз. Ҳеч кимга қарам эмасмиз, ҳеч кимдан буйруқ кутмаймиз. Бугун биз қилаётган меҳнат ўзимиз учун, озод Ватанимизнинг буюк келажаги учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ёзаётган ҳар бир сатримиз, айтаётган ҳар бир сўзимиз олдидаги масъуллик Ватан олдидаги масъуллик эканини бир лаҳза бўлсин, унутишга ҳаққимиз йўқ.

Азиз газетхон!

Тўғриси, янги йил арафасида "Биз тугаётган йилда фалон-фалон яхши ишларни амалга оширдик", деб мақтаниш фикридан йироқмиз. Газетамизда чоп этилаётган ҳуқуқий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, танқидий-таҳлилий йўналишлардаги мақолалар, "таҳрирсиз мактуб"лару уларга келаётган жавоблар билан ўзингиз яхши танишсиз. Шу боис жамоамиз меҳнатига ҳам холис баҳони ўзингиз берасиз. Бинобарин, ҳар қандай нашрнинг ҳаками унинг ўқувчиларидир, деган гап бежизга айтилмаган.

Биз жамоада йил якунларини сарҳисоб қила туриб, анча-мунча яхши ишларни амалга оширганимизни қайд этиб қўйдик. Шунинг баробарида бундан-да яхшироқ ишлашимиз мумкин эканлигига ҳам амин бўлдик. Айтилганидек, ютуқлар ўзимизники, камчиликларни эса бартараф этиш лозим. Демак, янги йилда доимий ўқувчиларимиз билан газета саҳифалари орқали учрашар эканмиз, имкон қадар камчиликларга йўл қўймасликка ҳаракат қиламиз, имкон қадар ўқувчининг дилидаги, тилидаги гапларни газета саҳифаларига муҳрлаймиз. Бошқача айтганда, эл хизматига доимо шаймиз.

Хуллас, режаларимиз бисёр. Агар янги йилда ҳам биз билан бирга бўлсангиз, янги йилда режалаштираётган янги рукнларимиз, янги йўналишларимиз сизнинг кўнглингизга йўл топади, деб ўйлаймиз.

Янги йил, Янги аср, янги минг йилликнинг иккинчи йили ҳам барча юртдошларимиз, шунингдек, "Инсон ва қонун"ни ўзига доимий ҳамроҳ, дўст, деб билган барча газетхонларимизнинг уйларига қут-барака, тинчлик-осудалик, тўкинчилик олиб келишига ишончимиз комил. Илло, "Инсон ва қонун" тугаб бораётган йилда сиз билан ошно бўлган экан, янги йилда янада қадрдонроқ бўлиб қолишидан умидвормиз.

ТАҲРИРИЯТ

«ИНСОН ВА ҚОНУН» катта йўлга тараддуд кўраётир.

Сиз-чи, азиз муштарий?

Агар бизга келгуси йилда ҳам ҳамроҳ, ҳамфикр ва ҳаммаслак бўлишни ният қилсангиз, "Инсон ва қонун" газетасига 2002 йил учун обуна бўлишга шошилинг!

Адлия тизими

ЖИЗЗАХ

Вилоят адлия бошқармасининг халқ хўжалигида ҳуқуқий ишлар бўлими мазкур йилнинг ўтган даври мобайнида қуйидаги ишларни амалга оширди:

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-қарорига асосан саккизта акциядорлик жамияти давлат рўйхатига олиниб, уларга тегишли гувоҳномалар берилди.

***

Саккизта акциядорлик жамияти мулк шакли ўзгартирилгани, бошқа акциядорлик жамиятига бириктирилгани ва вилоят хўжалик суди томонидан банкрот деб топилгани муносабати билан давлат рўйхатидан ўчирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан иккита хорижий сармояли корхона давлат рўйхатига олинди.

***

Учта қўшма корхона ўз таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритгани боис қайта рўйхатдан ўтказилди.

***

Ҳозир вилоят адлия бошқармаси рўйхатида 16 та қўшма корхона, битта хорижий корхона филиали мавжуд. Улардан олти ой ва ундан кўп давр мобайнида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган, ўз Устав жамғармаларини қонунчиликда белгиланган муддатларда шакллантирмаган тўртта хорижий сармояли корхона аниқланиб, уларни тугатиш чоралари кўрилмоқда.

ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланиб, конституциявий даражада эътироф этилди. Фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва моддий ҳуқуқларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган кўплаб қонунлар қабул қилинди. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, **жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим.**

Кейинги йилларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни кучайтириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи кўплаб идораларда "Ишонч телефон"лари жорий этилди. Хўш, бу телефонларни ташкил этишдан кўзланган мақсадларга эришиляптими? "Ишонч телефони" мижозлар ишончини оқлай оляптими?

Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаларидаги "Ишонч телефон"ларига мурожаат қилдик.

Адлия вазирлиги "Ишонч телефони"га кўпроқ тадбиркорлар мурожаат қилар экан. Жорий йилнинг шу давригача ҳуқуқлари турли хил кўринишда паймол этилган мингга яқин тадбиркорнинг мурожаати юзасидан текширув ва суриштирув ишлари ўтказилиб, зарур чоралар кўрилди. Вазирликнинг жойлардаги идораларида ҳам шу йўл билан кўплаб қонун бузилиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Давлат солиқ хизмати тизимида ўрнатилган "Ишонч телефон"лари 1994 йилнинг август ойидан бери фаолият кўрсатмоқда. Бундай телефонлар орқали фуқаролар, тадбиркорлар, корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари, ҳисобчилар, иқтисодчилар солиқ қонунчилигига оид ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топмоқда. Ҳисоботларни қайси муддатларда топшириш, ягона солиқ тўлашга қандай тартибда ўтилади, тадбиркор ўз фаолиятини бошламоқчи бўлса, кимга мурожаат қилиши, ҳужжатларни қандай тартибда тўлдириши, солиқ турларининг тўлов муддатлари, назорат касса машиналари, текширишларни мувофиқлаштириш, кичик ва қўшма корхоналар солиқ борасида қандай имтиёзларга эгалиги каби долзарб мавзуларда маълумотлар берилади. Давлат солиқ қўмитаси негизида ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги Республика ахборот маслаҳат маркази ҳам бу борада фуқароларга доимий равишда кўмак бериб келяпти.

Шу билан бирга фуқаролардан турли хил қонунбузарликлар юзасидан доимий равишда "Ишонч телефони" орқали мурожаатлар қабул қилинмоқда. Ўтган йили шу йўл билан уч юзга яқин ноқонуний хатти-ҳаракат аниқланди. Жорий йилда эса уларнинг сони юздан ошди.

"Ишонч телефони"га мурожаат қилаётган кишилар шахси сир тутилаётгани боис бу телефонга фуқаролар нафақат ўз муаммолари, балки атрофидаги ноқонуний ҳаракатлар юзасидан ҳам билдиришлар бермоқда. Бу эса солиқчиларга кўплаб қонунбузилиш ҳолатларини аниқлашда қўл келяпти.

Яқинда Бухоро вилояти Шофиркон туманидан махсус лицензиясиз фаолият кўрсатаётган 7 та дорихона мавжудлиги юзасидан хабар берилди. Бугунги кунда мазкур иш юзасидан текширув ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасида ўрнатилган "Ишонч телефони" ҳам фуқароларнинг ишончли ҳамкорига айланиб улгурди. Мазкур бошқарма мутахассислари "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги" ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бошқа қонунларга суяниб, фуқаролар манфаатларига зид ҳаракатларга чек қўймоқда. Йил бошидан буён юзлаб фуқаролар бошқармада фаолият кўрсатаётган "Ишонч телефони" орқали ўз муаммоларига ечим топди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунга келиб "Ишонч телефонлари" барча тоифадаги фуқароларнинг ишончли ҳамкорига айланиб бормоқда. Таҳлилларга қараганда, бундай мулоқот тегишли идоралар ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ижобий ўзгаришлар ясаб, уларни бир-бирига яқинлаштирмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ТАКОМИЛ ЗАРУРАТИ

У туфайли солиқ қонунчилиги мукаммаллашмоқда

Адлия вазирлигида **"Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари"** мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Уни Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Ғ.Раҳимов кириш сўзи билан очди.

— Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда солиқ тизимининг ўзига хос ўрни бор, — деди у. — Республикамизда мазкур тизимнинг ўзига хос модели яратилган бўлиб, у ўзида миллий анъаналаримиз ҳамда жаҳон тажрибасини бетакрор тарзда мужассамлаштиргани билан катта аҳамият касб этади. Жумладан, Солиқ кодексининг қабул қилиниши билан ушбу соҳа қонунчилигига ҳуқуқий пойдевор қўйилганди. Мазкур қонун жорий этилганидан сўнг бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниши билан шу соҳани тартибга солувчи тўлақонли қонунлар мажмуаси шакллантирилди. Бугун ҳаётнинг ўзи бу борадаги қонунларни янада такомиллаштириш заруратини туғдирмоқда. Бугунги анжуманимизни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам солиқ қонунчилиги ва уларнинг амалий ижроси билан бевосита боғлиқ бўлган тажриба ҳамда муаммоларни янгича назар билан муҳокама қилиш ва улар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда тегишли давлат органларига тақдим этишдир.

Конференция ишида Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Е.Каньязовнинг "Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш масалалари", Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш илмий-тадқиқот институти директори И.Бутиковнинг "Солиқ қонунчилигида қўлланиладиган терминларни такомиллаштириш тўғрисида", Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги бўлим бошлиғи А.Набиҳўжаевнинг "Юридик шахсларни солиққа тортиш масалалари", АҚШнинг халқаро Ривожланиш агентлиги мутахассиси Дж.Мино Реймонднинг "Тижорат банкларида солиққа тортиладиган даромад бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш", Марказий банк департаменти директори Ҳ.Нурмуратовнинг "Тижорат банкларидаги даромадларини солиққа тортиш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш йўллари", Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Р.Бахромовнинг "Солиқ қонунчилигини такомиллаштиришнинг айрим масалалари", Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори Ш.Зулфиевнинг "Солиққа оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати", "Консаудитинформ" агентлиги бош директори О.Даминовнинг "Аудит институтининг ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш масалалари", Нотижорат ҳуқуқи халқаро марказининг минтақавий вакили Д.Мирзакаримовининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларида қўлланиладиган солиқ имтиёзлари халқаро тажрибасидан", "Тадбиркор аёл" ассоциацияси раиси Д.Алимбекованинг "Тадбиркорлардан олинадиган солиқлар хусусида", Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи А.Турсуновнинг "Солиқ соҳасида содир этиладиган жиноятларни аниқлаш, бартараф қилиш ва олдини олиш ҳамда терговолди ҳаракатларини ўтказиш тартиби", Тошкент Давлат юридик институти доценти Л.Хваннинг "Ўзбекистон Республикасида солиқ маслаҳатхоналарининг истиқболлари ва муаммолари" каби маърузалари тингланди.

Шунингдек, анжуманда солиқларнинг иқтисодиётга таъсири қандай бўлаяпти, нарх-наво билан солиқ ўртасида қандай боғланиш бор, соҳа қонунчилиги умумэътироф этилган халқаро меъёрлар талабига қай даражада уйғунлаштирилган, солиқ имтиёзлари тадбиркорларни қанчалик рағбатлантираяпти, солиқ тизимининг банк билан ҳамкорлиги қай аҳволда, шу соҳада қўлланиладиган терминлар талабга қай даражада жавоб беради, солиқ тизимида маслаҳатхона қай йўсинда ташкил этилиши керак, солиқ инспекторлари ва маслаҳатчилари тадбиркорларга қандай кўмак бераяпти каби долзарб масалалар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Конференция ишида Давлат солиқ қўмитаси, Молия, Макроиқтисодиёт ва статистика, Ташқи иқтисодий алоқалар ҳамда Ички ишлар вазирликлари, Марказий банк, Давлат мулк қўмитаси, Олий хўжалик суди, Республика Бош прокуратураси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, ТАСИС, ЮСАИД халқаро маркази, "Жайка" япон халқаро ҳамкорлик маркази, Европа иттифоқи комиссиясининг мамлакатимиздаги бюроси, АҚШ Юристлар ассоциацияси вакиллари, шунингдек, олимлар, ўқитувчилар, аспирант-тадқиқотчилар иштирок этишди.

Анжуманда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Суратларда: анжумандан лавҳалар.

Талаб, таклиф, мулоҳаза

ФЕРМЕР БЎЛИШ ОСОНМИ?

Мамлакатимизда ер ва ундан фойдаланиш масалалари тўла ўз ечимини топган. Парламентимиз томонидан қабул қилинган Ер ва Фуқаролик Кодекслари, Деҳқон, Фермер ва Ширкат хўжаликлари тўғрисидаги қонунлар, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг шу масалага доир Фармон ҳамда қарорлари она заминимиз бойликларини кўпайтириш, унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш, энг муҳими, ерга бўлган мулкий эгаликни таъминлаш масалаларини чинакам демократия тамойиллари асосида ҳал этиш кафолатига айланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий турмушининг таркибий қисми ҳисобланади ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ривожи мазкур соҳа фаолияти билан узвий боғланган.

Ер ислоҳотларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳозирги саъй-ҳаракатлар, давлатчилигимиз ва қонунчилигимиз намуналари тармоқ ҳаётини жаҳоннинг илғор давлатлари даражасига етказиш учун барча йўллар кенг очилганидан далолат беради. Мазкур кўламдор вазифаларнинг муваффақиятли ечими кўп жиҳатдан ер-мулк мутасаддиларининг билими, тажрибаси, меҳнати, маҳорати, қунт ва ихлоси, поклик ва ҳалоллигига боғлиқ.

Ерни ўзининг ҳақиқий эгалари ихтиёрига топшириш, ундан юқори ҳосил, маҳсулот ва самара олиш, қишлоқ инфраструктурасини шакллантириш, ижтимоий турмуш даражасини ошириш-да ютуқлар билан бир қаторда айрим камчилик ва нуқсонлар, хато ва қусурлар ҳам учрайди.

Газетамиз таҳририяти яқинда аграр соҳа тараққиётини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бажарилишининг боришини Хоразм вилояти мисолида ўрганди. Шу муносабат билан вилоят адлия бошқармасида "Фермер бўлиш осонми?" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Қуйида таҳририятимиз ташаббуси билан ўтказилган ана шу давра суҳбати тафсилотларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

(Давоми иккинчи бетда)

Талаб, таклиф, мулоҳаза

ФЕРМЕР БЎЛИШ ОСОНМИ?

Давра суҳбати

(Боши биринчи бетда)

Жумабой ЎТАМОВ, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари:

— Мамлакатимизда ер ўзининг ҳақиқий эгасини топаётгани жамият ҳаёти учун ғоят мантиқий ҳол ҳисобланади. Давр фермерлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёйдирилиши заруратини тақозо этаяпти. Ҳаётнинг ўзи фермерлик ҳаракати хўжалик юритишнинг энг мақбул ва самарали усулларидан бири эканлигини яққол намойиш этмоқда. Кейинги икки ярим йил ичида вилоятимиз фермерлари сафи 2,5 ҳиссага кўпайди. Ҳозирги кунда жами 3551 та деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаяпти. Улар ихтиёрига берилган экин майдонлари сатҳи 34 минг гектарни ташкил этади.

Фермерлик ҳаракати кенгайиш ва ривожланиш босқичини ўтаётганини назарда тутсак, ушбу талаб ва қоидага оғишмай амал қилиш нечоғли муҳим вазифа, масалага айланганлигини илғаб олиш қийин эмас.

Вилоятимизда "Раҳим-Нурулла", "Мустақиллик", "Саид ота" каби фермер хўжаликларининг иши ва турмушини кўрганлар "Фермер бўлса, шундай бўлсанг", деб ҳавас қилишади. Бундай илғор фермерлар сафини кўпайтиришдан барча бирдек манфаатдор. Бироқ бугун ютуқлардан кўра режалар, вазифалар, камчилик ва муаммоларга кўпроқ эътибор қаратилмоғи зарур.

Бизнингча, фермерлар сонини сунъий равишда кўпайтиришга кўпам шошилмаслик керак. Авваламбор, фермерликка талабгорларнинг билим савияси, имкониятлари, моддий ва молиявий шарт-шароитлари, бел боғлаётган ишига нисбатан ихлос-эътиқоди ва албатта, ҳуқуқий саводхонлиги, дунёқараши синчиклаб ўрганилмоғи даркор. Вилоятимиз йирик ва ихтисослашган фермер хўжаликларига ниҳоятда муҳтож. Шу боис вилоят ва туманлар ҳокимликлари мавжуд қонунчиликка тўла риоя этган ҳолда камида 50-60 гектар ери, етарли техника воситалари, ўз инфраструктура тизимига эга бўлган фермер хўжаликларини вужудга келтириш тадбирларини ишга солаяпти.

Қонунларни астойдил ҳурмат қилишга бўлган истак ва мойиллик ер эгасининг дунёқарашини кескин ўзгартириб, интизоми ва зиммадаги мажбуриятига нисбатан масъулиятни мустаҳкамлайди. Аммо фермерликка эришгунча қоп-қоп ваъда бериб, ниятига етгач, ўз мажбуриятларидан бутқул қўл силтаётган, шартнома интизомини муттасил бузаётган, ҳатто фаолияти ҳақида тегишли идораларга ҳисобот ва маълумот беришни эпполмаётган ер-мулк эгаларини ҳам учратаяпмиз. Унумдор, ҳосилдор, инфраструктура тизимлари равон бўлган далаларга интилиш ҳисси анча кучли. Лекин йўллар, суғориш иншоотлари, хизмат кўрсатиш ва таъминот масканларидан бирмунча йироқда, ташландиқ ва камҳосил ерларга талабгорлар озчиликни ташкил этади. Фермерлик ҳаракати фойдаланилмаётган имкониятлар, ҳаракатсиз ресурсларни ишга солишнинг энг муҳим воситасига айланиши керак. Акс ҳолда хўжалик юритишнинг бу усулидан давлат ҳам, халқ ҳам манфаат кўрмайди. Халқимиз муайян дала ёки фермалар маҳсулдорлигини жамоа ва ширкат хўжаликлари эришган кўрсаткичлардан сезиларли ошира олган ва ютуқлар салмоғини тўхтовсиз кўпайтира борадиган фермерларнигина тан олади.

Ер доимо маблағ ва парваришга муҳтож. Шундай бўлгач, ерга маблағ сарфлашнинг қўшимча манбалари ишга солинмоғи зарур. Бизнингча, бундай манба бор. У қишлоқдаги жисмоний шахслар қўлидаги шахсий маблағдир. Бу ерни-ер, мулкни мулкка дўндиришнинг яна бир ишончли ва қудратли манбаи, кафолатидир. Биз заминимизнинг ана шу каби талаб ва эҳтиёжларини қондира оладиган тадбиркор, омилкор ва тажрибакор фермерларга муштоқ ва муҳтожмиз. Тассуф билан таъкидлаймизки, ҳозир фермер бўлишни хоҳловчиларнинг кўпчилиги унумдор ва ҳосилдор ерларга даъвогарлик қилишаяпти. Фермер бўлишни хоҳловчилар она-заминимизнинг хали фойдаланилмаётган имкониятларини ишга солиш, ҳосилдорлик ва самарадорликни оширишга, эл-юрт дастурхонини тўлатишга қобилу қодирликни амалда намойиш эта олсаларгина халқимиз уларга оқ йўл тилайди.

Айни кезларда эса зиммамизда учта асосий вазифа кўндаланг турибди. Биринчидан, ер-мулк самарадорлигини оширишга қобил бўлмаган ва ўз имкониятини бой берган нолойиқ фермерлар билан орани очмоқ, иккинчидан, фермерлик ҳаракати қатнашчилари ва бу мақомга талабгорлар дунёқарашини бойитмоқ, ҳуқуқий саводхонлигини оширмоқ, учинчидан, айрим қонунлар, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг янада мукаммаллашувини таъминламоқ даркор.

Қисқаси, фермерлик ҳаракати ўзига кенг йўл очмоғи ва ўз йўналишини топмоғи шарт. Бу ишни йўлга қўйишда маҳаллий идора ва ташкилотлар раҳбарлари мутахассисларининг фаолиятини хали қониқарли дея олмаймиз. Ернинг ҳақиқий эгаларини излаб топиш, шартномавий мажбуриятлар ижросини назорат қилиш, иш ва ҳужжат юритишни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар савиясини кўтариш, сарф-харажат ва тежамкорлик йўлларини белгилашда талай камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Хусусан, айрим туман ҳокимликлари ва ер инспекцияси ташкилотининг фаолиятидан хали қониқиш ҳосил қилганимизча йўқ.

Яқинда Германияда бўлдим. Бу мамлакатда ер заҳиралари биздагига қараганда 70-80 фоиз кам. Аммо маҳсулдорлик ва самарадорлик кўрсаткичларига ҳавасинг келади, кишининг. Шубҳасиз, биз ҳам шу каби илғор мамлакатлар изидан борамиз. Ютуқларимиз калити пешқадамлик сирларини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этишда, деб биламан.

Машариф ҚУВОҚОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Боғот туманидаги "Боғот" ширкат хўжалиги раиси:

— Давр фермерлик ҳаракатини синовдан ўтказди. Кимнинг кимлиги аён бўлди. Кўпгина фермерлар ўз мақсад ва манфаатларини чуқур англайдилар. Мамлакатимизда фермерлик фаолиятини юргизишнинг қуйидаги шартлари вужудга келган. Булар: имконият, ихлос, билим ва лаёқатдир.

Икки йил муқаддам хўжалигимиз ҳудудида ер майдони 198 гектардан иборат йирик фермер хўжалигига асос солинган эди. Ҳозир у равон йўлда. Синовлардан муваффақиятли ўтди. Вазифам тақозосига кўра фермер ва ширкат хўжаликлари ўртасидаги натижалар тафовутига эътибор бериб юраман. Ерни парвариш қилганлар албатта самара олишаяпти. Эътиборсиз қараганлар эса бу ҳаракатнинг обрўсига путур етказишаяпти. Мавсум ёки хўжалик йилини зиён билан якунлаганлардан умид қилмаса ҳам бўлади. Негаки, парваришдан бахраманд бўлган ер эгасини алдамайди. Лекин ютуқлар маблағ ва моддий-техникавий имкониятларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Ерга зиён етмаслиги учун йирик ва ихтисослашган, моддий-молиявий заҳираларига эга бўлган фермер хўжаликларини вужудга келтириш керак. Бунда маблағ салмоғи ҳосил салмоғига боғлик эканлигини унутишга ҳаққимиз борми? Афсуски, бу масалада замин соҳибининг манфаатларига путур етказадиган вазиятлар мавжуд. Баъзида тайёрлов ташкилотлари ва буюртмачининг айби билан топширилган ҳосил ёки маҳсулотнинг ҳақини тўлаш ойлар мобайнида пайсалга солинади. Натижада харид қилиниши зарур бўлган воситалар нархи шу давр ичида сезиларли ортиб, ер-мулк эгаларини қийин аҳволга солиб қўяди.

Ж.ЎТАМОВ: — Менимча, бу ҳам тафаккурдаги бўшлиқ оқибати. Хўжалик судлари ва ҳуқуқшуносларнинг хизматидан фойдаланишга ҳали етарли эътибор берилаётгани йўқ. Шартномавий мажбуриятлар олдида масъулликнинг сезилмаслиги фермер хўжаликларини аввалига тегишли қонун ва ҳуқуқ назорати маҳкамалари хизматларига нисбатан беписандликка, пировардида эса ўзининг ва ўзгаларнинг манфаатлари бузилишига ва охир-оқибатда турли молиявий-иқтисодий ночорликларга ва ҳатто синишгача олиб келади.

Буни ўйламаган, етти ўлчаб бир кесмаган, кези келганда, таваккалга ҳам эътибор қаратмаган, ўзи ва жамоаси манфаатлари йўлида жонини жабборга бермайдиган кишиларга ер-мулкни инонса бўладими? Ҳатто шундай ҳолларга ҳам дуч келинаяптики, фермерлик йўлида тўсиқларга учраётганлар хўжалик ёки фуқаролик судлари, ширкатлар бошқаруви бир томонда қолиб, тўғридан-тўғри марказга, вилоят ва туман ҳокимликларига шикоят қилишади. Ҳуқуқини билган киши қачон ва кимга мурожаат қилиш, адолат ва ҳақиқатни қонун йўли билан қайси маҳкамадан топишини яхши билади.

М.ҚУВОҚОВ: — Ер ва фермер ҳақидаги фикрларимни давом эттирмоқчиман. Бизнинг ширкат хўжалигидан ажралиб чиққан фермер хўжаликлари ичида бармоқ тишлаб қолаётганлар йўқ, десам хато қилмайман. Менимча, бунга бўлажак фермерларнинг мустақил фаолиятга бўлган тайёргарлиги, имконият даражаси олдиндан тўла ҳисоб-китоб қилинаётгани сабаб бўлаяпти.

Абдулла СОБИРОВ, "Инсон ва қонун"нинг махсус муҳбири: — Таҳририятимизга келаётган хат-хабарлар, ариза ва шикоятларга қараганда, фермерликка даъвогарларни олдиндан обрўсизлантириш, чунончи, умумий йиғилишда таъсис масаласи кўрилаётган фермер хусусида ноўрин ва ножўя гап-сўзлар қўзғаш ҳоллари ҳам рўй бераяпти. Ана шундай ҳоллар кузатилган ширкат хўжаликларида деҳқоннинг бири иккига бўлмаслиги, косаси оқармаслиги тайин. Турли сансоларликлар, қоғозбозлик, ҳужжатбозликлар, ҳуқуқбузарликлар юзага келган жойда янгилик ўзига йўл тополмаслигини, равнаққа эришилмаслигини ҳаёт аллақачон тасдиқлаган.

Ж.ЎТАМОВ: — Ўз ғурури, обрўси, шаънини иззатлаган киши бундай ҳолларга тоқат қилолмайди.

Бундай пайтда, албатта, қонунга суянмоқ, адолатни суд ва қонун назорати идораларидан ахтармоқ зарур. Ҳуқуқий савиянинг етишмаслиги бу масалада ҳам ўзининг салбий оқибатини кўрсатаяпти.

Қаҳрамон ИСАРОВ, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи: — Бу каби камчилик ва нуқсонлар, хато ва ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича вилоят деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ўз таклифлари билан чиқмоғи керак, деб ўйлайман.

Қадамбой ОРТИҚОВ, Қўшкўпир туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — Деҳқон-фермерларга мадад икки томонлама уюштирилиши керак. Давлатимиз аграр тармоқни ер, сув, ўғит, ёқилғи, уруғлик билан таъминлаш, сувсизлик ва қурғоқчилик оқибатларини тугатиш соҳасидаги юмушларнинг деярли барчасини ўз зиммасига олган. Лекин бу соҳада деҳқон-фермер уюшмалари, тадбиркорлик ташкилотларининг мададини ҳам ҳар қадамда ҳис этмоғимиз зарур. Ҳозир туманимизда юридик шахс мақомида 593 нафар фермер фаолият кўрсатаяпти. Улар ихтиёрига 5694 гектар ер берилган. Бу ниҳоятда катта заҳира. Сервис хизматини яхшиламай туриб, мазкур хўжаликлар ва уларга биркитилган экинзорлардан кутилган самарани олиш амри-маҳол. Далада меҳнат қилаётган деҳқон хизмат кўрсатувчи ташкилотларга эмас, ушбу ташкилотлар ўз хизматини таклиф этган ҳолда деҳқон ҳузурига отланиши замон талабига айланаяпти. Бизга қолса, деҳқон билан ҳисоб-китоб қилиш учун банк ҳам, "Пахтасаноатсотиш" бирлашмаси, дон харид қилиш корхоналари, шакар заводи каби маҳкамалар ҳам деҳқон ҳузурига ошиқса, ҳамкорликни йил бўйи канда қилмаса, айни муддао бўларди. Бу — масаланинг бир томони, иккинчидан, қишлоқдаги ҳуқуқий муносабатлар қонунда икир-чикиригача ўз аксини топмоғи даркор. Учинчидан, фермерлар танлови ва синовини пухта ташкил этиш керак. Нолойиқ ва ноқобил кишиларнинг фермерлик жабҳаларига келиб қолиши ҳолларига шу тариқа барҳам бермоқ зарур. Йириклаштирилган фермер хўжаликлари юзага келиши тарафдори эканлигимизни ҳам очиқ айтмоғимиз шарт. Туманимиздаги "Раҳим-Нурулла" фермер хўжалигининг 130 гектар экин майдони бор. Унинг 50 гектари боғзор. Қолган далаларда контрактация шартномасига мувофиқ турли экинлар ўстирилади. Фермер хўжалиги ўзининг мўл даромади эвазига барча тўловларини адо этган. Аммо шундай бўлса-да, унинг банкдаги ҳисоб рақамида ҳамма харажатлардан ортиб қолган яна 5 миллион сўм пули турибди. Афсуски, қонуний ҳақини ундиргунча кўп фермерларнинг она сути оғзидан келади. Бу мулкчилик ва хўжалик юритишнинг ана шу ибратли усулини оёқдан чалиш билан баробар бир муаммо.

Қ. ИСАРОВ: — Мазкур масала ва муаммони ҳал этишда деҳқон-фермерларнинг яқин мададкори ва кўмакдоши бор эканлигини унутмаслик керак. 2001 йилнинг 11 ойи мобайнида вилоят адлия бошқармаси тегишли суд маҳкамаларига жами 450 дан зиёд даъво аризасини киритиб, оддий деҳқон-фермерларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқлари тикланиши, етказилган моддий ва маънавий зиён миқдорлари жавобгарлар ҳисобидан қопланишини сўради. Бу талабларимиз судлар томонидан қаноатлантирилди. Фермерлар, ижарачи ва пудратчилар бошқармамизнинг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўлими тимсолида ўзларининг яқин ҳомийсини топа оладилар. Шунингдек, **"Текширишларни рўйхатга олиш китоби"** ҳам барча тадбиркорлар сингари фермерлик ҳаракати қатнашчиларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳам ишончли тарзда муҳофаза этиш кафолатини беради. Республика адлия вазирлиги буни назарда тутиб, вилоятимиз учун 8000 нусха "Текширишларни рўйхати олиш китоби"ни ажратди. Бошқармамиз биргина ноябр ва декабр ойларида вилоятимиз тадбиркорлик ўчоқлари, шу жумладан, фермер хўжаликларига вазирлигимиз томонидан етказилиб берилган ана шу китобнинг 4 минг нусхасини тарқатди. Ҳозир бу китоб жойларда катта қизиқиш билан харид қилинаяпти.

Рўзимбой САМАНДАРОВ, вилоят "Пахтасаноат сотиш" акционерлик жамияти раисининг ўринбосари — Қўли қадоқ деҳқон, чорвадор, шу жумладан, фермерларга ҳам ихлос — эътиқодимиз кучли, ҳалол ва машақатли меҳнатдан бўйин товламайдиган кишиларнинг қадрини баланд тутмоғимиз лозим. Минг афсуски, орамизда бошқа тоифа "тадбиркор"лар ҳам йўқ эмас. Яқинда ана шундай устамонлардан бирига деч келдик. У киши йил бошида пахта етиштириб бериш юзасидан контрактация шартномасини имзолаган экан. Шунга асосан, бирлашмамизнинг талабномасига асосан банк ўша фермер акамизга олдиндан анча миқдор бўнак пули ҳам тўлади. Лекин у киши кўпчиликнинг кўзини шамғалат қилиб, ўз даласида пахта ўрнига бошқа экин эккан. Хўш, энди бу устамон фермерга бирлашмамиз ҳисобидан тўланган пулни ким қоплайди? Бирлашмамиздан тортиб, тегишли ҳокимликлар, ҳуқуқ назорати идоралари ва бошқа мутасадди маҳкамалар шартномаларнинг бажарилишини мунтазам ўрганиб ва кузатиб борсалар шу каби кўнгилсизликлар рўй бермайди. Бундан қатъи назар, ер, албатта, деҳқонники бўлмоғи даркор, бироқ назорат қатъий ва мунтазам уюштирилмоғи шарт.

А.СОБИРОВ: — Фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиш ва айни пайтда уларнинг фаолиятини назорат қилиш чоралари, албатта, етарли. Фермерликка ихтисослашув пухта назорат ўрнатилишига яқиндан ёрдам беради. Буни 1999-2001 йилларда таркиб топган 9 та деҳқон-фермерлар бирлашмалари яққол тасдиқлайди. Мазкур бирлашмаларда бошқарув ва таъминот ягона марказ-фермерларнинг ўзлари сайлаган раҳбарият томонидан амалга оширилади. Аммо вилоятдаги 3,5 мингдан зиёд фермерлик ўчоқларининг аксарияти мавжуд ширкат хўжаликлари таркибида фаолият кўрсатаяпти. Ширкат хўжаликлари ичида таркиб топган фермер хўжаликлари том маънода мустақил фаолият кўрсата оладими, деган саволдан мутасадди ҳокимликлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, бошқа идора ҳамда ташкилотлар раҳбарлари жиддий хулоса чиқариши керак.

Матназар ЖУМАНАЗАРОВ, вилоят деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раисининг ўринбосари: — Бу масала биз — фермерлар уюшмаси раҳбарларини ҳам жиддий ўйлантирмоқда. Йирик-йирик ва етарли заҳирага эга бўлган фермер хўжаликларининг ташкил этилиши бу соҳадаги муаммоларга бирмунча чек қўйиши тайин. Мустаҳкам моддий ва молиявий пойдевор фермерлик равнақининг гарови. Бўлғуси фермерларни танлашда масаланинг бу жиҳати ўйлайманки, барчанинг диққат марказида туради.

Мақсудбек ЖУМАНИЁЗОВ, Урганч туманидаги Амир Темур номидаги фермерлар бирлашмаси раиси: — Ер қанча тез тақсимлаб берилса, самарасидан ҳам шунчалик эрта ва кўп баҳраманд бўламиз. Аммо шуни ҳам унутмаслик зарурки, ерни деҳқон ихтиёрига беришдан олдин бу тадбир учун замин ва шароит ҳозирланмоғи даркор. Фермерлик фаолиятини назорат қилишнинг зарурати катта, лекин уларга иноннмоқ ҳам керак. Мана икки йилдирки, собиқ ширкат хўжалигимиз ўрнида фермерлар бирлашмаси фаолият кўрсатаяпти. Мен унинг рахбариман. Сафимизда тартиббузар, қонунбузар, шартнома мажбуриятларга беписанд фермерлар йўқ, десам, ишонаверинг. Яхши фазилатли инсондан ёмон сифат ахтариш одати салбий оқибатдан бўлак натижа бермайди.

Сафимизда ёмон фермерлар йўқ дедик. Аммо даромади ночор ер-мулк эгалари бор. Шуни назарда тутиб, келгусида йирик низом жамғармаси мавжуд бўлган ҳоллардагина фермер хўжаликлигига асос солинмоғи зарур, деган фикрни илгари сурмоқчиман.

Бугуннинг фермери сервис хизматига муҳтожлигини ҳам алоҳида уқдирмоқчиман. Тўғри, қишлоғимизда деҳқон хизматига бел боғлаган минерал ўғит ва нефть маҳсулотларини сотиш дўконлари бор. Лекин уларга заҳира фонди ажратилмаётгани ишга панд бераяпти.

Саъдулла РЎЗИМАТОВ, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг чорвачилик масалалари бўйича ўринбосари: — Ҳозир кўпгина фермерларни ўз маҳсулотини бозорда сотиш муаммоси қийнамоқда. Сотиб олувчи корхона мана-ман, деб турса, фермернинг руҳи кўтарилади, дилида меҳнатга маҳсулдорлик ва самарадорликни оширишга нисбатан катта ихлос уйғонади. Мустаҳкам озуқа заҳирасига эга бўлишнинг чорасини эса фермерга ўзи етиштирган донли экинлар ҳосилидан олинадиган емни имтиёзли нархларда қайтариб беришдан иборат, деб биламан. Фермер учун 5-10 йил муддатга имтиёзли кредит ажратишнинг самараси ҳам ниҳоятда катта. Сут етиштирувчи фермерлик субъектларида қорамоллар сони камида 100, гўшт етиштирувчи хўжаликларида эса 50 бош бўлишини шарт қилиб белгилаш ва бу талаб низомда ҳам қайд этилишига эришиш зарур. Фермерларга техник-сервис хизмати кўрсатиладиган ҳолларда ўзаро келишилган нархнинг 10-15 фоизини олдиндан, қолган қисмини эса иш бажарилгандан сўнг тўлаш тартибини амалиётга киритиш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Бундай тартибни минерал ўғитлар сотиб олиш масаласида ҳам жорий этмоқ даркор.



Эгамберган БОБОЖОНОВ, Республика Марказий банки вилоят бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи: — Эътироф этиш мумкинки, вилоятимизда фаолият юргизаётган аксарият фермер хўжаликларининг ўз таъминотчилари ва кредиторлари олдида қарзи йўқ. Шу сабабли уларнинг таъминотчи ва кредитор билан ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилган маблағлари банкларда туриб қолади. Баъзида эса қарз йўқлиги боис оз миқдорда пул ажратилиши ҳоллари ҳам учрайди.

Фермерлар билан контрактация шартномаларини тузган баъзи буюртмачи ва тайёрловчи корхоналар зиммаларидаги тўлов мажбуриятларини барвақт адо этиш чораларини тўла ишга солишмаётганидан ҳам кўз юмолмаймиз. Топширган ёки сотган маҳсулоти учун тўланадиган пулни тайёрловчи ёки буюртмачи томоннинг айби билан бир неча ойлаб ололмаётган фермерлар ҳам йўқ эмас.

Рўзибой БЕКЧОНОВ, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг иқтисодиёт масалалари бўйича ўринбосари: — Бир қатор мутасадди идора ва ташкилотларда фермер хўжаликлари таъминоти билан шуғулланувчи хизматлар таркиб топаётгани айни муддао. Энди хизматнинг бу турини "Агромашсервис" акционерлик жамиятларида ҳам ташкил этмоқ фурсати етди. Шу билан бирга машина трактор-парклари (МТП) да фермерларга кўрсатиладиган хизмат ҳақи қийматларини арзонлаштириш даркор. Фермерга хизмат кўрсатувчини қўллаш фермернинг ўзини қўллаш билан баробардир.

Фермерни айни пайтда чигитни қайта ишловчи корхоналар ҳам қўлласа бунинг ижобий таъсирини пахта ва чорвачилик маҳсулотлари таннархида ҳам кўриш мумкин бўларди. Кўпгина фермер хўжаликлари 2000 йили топширилган чигит учун бериладиган маҳсулотларни ушбу йилнинг сентябр ойида олдилар. Аммо бу даврга келиб, пахта ёғи, шрот ва шелуха учун анча оширилган харид нархлари белгиланди. Ваҳоланки, деҳқон бир йил муқаддам ўз ҳосилидан олинган чигитни "Урганчёғ" корхонасига арзон нархлар эвазига топширган, етказиб берган пахтаси учун эса анча арзон ҳақ олган эди. Бу ҳолни назарда тутсак, чигитдан олинадиган маҳсулотлар нархини мавсум мобайнида ўзгартирмаслик мақсадга мувофиқ бўларди.

Қ.ИСАРОВ: — Бугунги суҳбатимиз фойдали фикрлар, мулоҳазалар, таклиф ва истакларга бой бўлди, деган фикрдамиз. Дарҳақиқат, режалар, вазифалар, муаммолар оз эмас. Айни пайтда уларнинг ечим йўллари ҳам кўп. Шу ўринда амалдаги қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга тўла риоя этишнинг аҳамиятини яна бир карра таъкидламоқчимиз. Зеро, қонунга суянган ва амал қилганнинг қўли ҳамиша баланд.

"Давра суҳбати" тафсилотларини "Инсон ва қонун" муҳбири Абдулла СОБИРОВ ёзиб олди

Ҳуқуқий саводхонлик сари

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ

Хўжалик шартномалари ҳам бошқа шартномалар каби юридик ёки жисмоний шахсларнинг номулкий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг вужудга келиш шаклларидан бири ҳисобланади. Шартнома хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа субъектлар билан ўзага келадиган барча муносабатларини тартибга солувчи битим ҳисобланади. Шартнома бир томондан шартлашилаётган объект ёки муносабатнинг мавжудлигини белгиласа, иккинчи томондан ўзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликларни ҳал этишда қўлланиладиган ҳуқуқий восита ҳисобланади. Шартноманинг мавжудлиги ижрога қаратиладиган объект(муносабат)нинг дахлсизлигини таъминлаш, уни охиригача ижрога қаратиш, томонларнинг бир-бири олдидаги мажбуриятларини эслатиб туриш, муносабатларни фақат келишув асосида ўзгартириш каби ҳаракатларни бажаришга замин яратади. Тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимояси сифатида қонунчилик амалда бўлса, қонунчиликни бевосита қўллашда шартнома ҳаракатда бўлади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар онгида шартномавий тушунчаларнинг шаклланиши, тегишли ҳуқуқ ва эркинлик, мажбурият ва масъулият, даъвогарлик ва жавобгарлик тушунчаларининг сингдирилиши ҳаракатдаги қонунчиликни тез ва ҳар томонлама қўллашга олиб келади.

Мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати турли йўналишдаги тадбиркорлик, айниқса, кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакат иқтисодиётидаги мавқеини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратмоқда. Айниқса, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши бу соҳадаги ютуқлардан бири ҳисобланади. Режали иқтисоддан фарқли ўлароқ, бозор иқтисодиёти даврида турли-туман хўжалик юритувчи субъектларнинг сонининг ошиб бориши, бозорни талаб ва таклифга асосан товар билан таъминлаш мақсадида тегишли рақобат ўзага келади. Ана шу рақобатда монополия ва ноҳалол рақобатга йўл қўймаслик, бошқа субъектларнинг ишонч обрўсига путур етказмаслик учун ҳам шартномавий муносабатларга киришиши лозим бўлади.

Томонлар шартнома тузишда эркин эканлигини ҳисобга олиб, шартнома шартлари ўзаро келишувга асосан белгилаб олинади. Шартноманинг қиймати, муддати, ҳисоб-китоб шартлари, шартномани бажармаслик оқибатлари, шартномани бузганлик учун жавобгарлик асослари, етказиладиган зарарни аниқлаш ва унинг қиймати каби муҳим масалалар шартноманинг мазмунини ташкил этади. Ҳар томонлама ва пухта тузилган амалдаги қонунларнинг энг муҳим нормалари қоида тариқасида қўлланган ҳамда ҳуқуқий савияда тузилган шартномаларни ижро этиш осон кечади. Савияси паст оддий сўзлар билан тузилган шартномалар ҳозир ҳам учраб туради. Бундай шартномаларни бажармаслик натижасида келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўриб чиқиш учун ҳуқуқий асослар етарли бўлмайди. Судлар бундай ҳолларда шартномаларни ҳақиқий эмас деб чекланиш билан низоли ишни кўриб чиқишни қолдириши мумкин.

Давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида хўжалик шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатиш, хўжалик шартномалари тўғрисидаги статистика маълумотларини умумлаштириш, шартномалар бажарилишини назорат қилиб туриш, юридик хизмат кўрсатувчи шахслар малакасини ошириш каби вазифаларни амалга оширади. Давлат барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолият юритиши учун тегишли шароитлар яратади ва кафолат беради.

Хўжалик шартномасини бажариш учун гаров, кафиллик, кафолат, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш каби усуллардан фойдаланилади. Бозор иқтисодиёти даврида шартномалар бажарилмаганда, шартнома шартлари бузиб бажарилганда идораларо ёзишмалар ёки давлат органларининг кўрсатмалари тарафлар учун ҳуқуқий асос бўлолмайди. Тарафлардан бири шартномани қайта расмийлаштиришга эришолмаса, бу низо ёки келишмовчилик албатта тегишли судларда кўриб чиқилиши мумкин.

Шартноманинг қонун талабларига кўра тўлиқ ва асосли тузилиши учун малакали юристлар жалб қилиниши лозим бўлади. Хўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиши уларнинг юридик хизматлари ёки шартнома асосида жалб этилган адвокатлар томонидан амалга оширилади. Юридик хизмат юристлари Адлия вазирлигининг жойлардаги тегишли бошқармалари томонидан ҳар 5 йилда малака комиссиялари томонидан шаҳодатдан ўтишлари ва тегишли гувоҳномага эга бўлимлари лозим. Бу тартиб олий маълумотли юристларга тадбиқ этилади. Юридик хизматларнинг вазифалари қонунчиликда батафсил белгиланган.

Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлашда хўжалик юритувчи субъектларнинг юристлари ёки ёлланган адвокатлар томонидан текшириб кўрилиши лозим. Шартномани уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди. Белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 200 бараваридан ортиқ сўмдаги хўжалик шартномалари тегишли юрист ёки адвокатнинг ёзма хулосасидан кейин тузилиши керак. Шунингдек, адлия органлари ҳам хўжалик юритувчи субъектларга шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажариш чоғида юридик ёрдам кўрсатади, ўз ваколати доирасида хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қилади.

Хўжалик шартномаларига риоя этиш, шартнома интизомини таъминлаш барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг кундалик вазифасига айланса, иқтисодий ривожланиш кафолатлари янада кенгаяди.

Боситхон ОРИФХОНОВ, ҳуқуқшунос

Ҳуқуқий маърифат

Омон ОҚЮЛОВ,
юридик фанлари доктори

ЗАРАР ВА ЗИЁН ТАФОВУТИ

Жамиятимизда амалга оширилаётган кенг кўламли суд- ҳуқуқ ислоҳоти сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Бу сифат ўзгаришларининг моҳияти Олий Мажлиснинг 2-чақириқ 6-сессиясида Президентимиз томонидан муфассал очиб берилди ва чуқур таҳлил этилди. Гарчи бунда асосий эътибор жиноят, жиноят — процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар мазмунига қаратилган бўлса ҳам, ишонч билан айтиш мумкинки, ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш — бутун миллий ҳуқуқ тизимимиз моҳиятини янгича мазмун билан бойитишга қаратилган умумҳуқуқий жараёндир. Бу жараён кундалик муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик — ҳуқуқий тармоқларга ҳам таалуқлидир.

Маълумки, аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарлик натижасида муайян субъектга мулкий талофат етади. Шу сабабли ҳам зарарни ундириш, бартараф этиш — бу ҳуқуқбузар зиммасига юклатиладиган энг асосий чоралардан биридир. Бу ҳол жиноят, маъмурий, меҳнат ҳуқуқида, бошқа тармоқларда ҳам назарда тутилган. Бироқ зарарни ундириш фуқаролик ҳуқуқида энг асосий категория ҳисобланади. Шу боис у фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг муҳим усули сифатида ўзига хос мавқега эга. Инчунун, кўпчилик олимлар унга жавобгарлик чораси эмас, ҳимоя усули сифатида қарашади. Одатда, жавобгарлик ҳуқуқбузарлик учун, ҳуқуқбузарлик содир этгани учун қўлланиладиган, салбий оқибатлар, муайян маҳрумликлар, чеклашлар келтириб чиқарадиган мажбурлов чоралари ҳисобланади. Шу маънода зарарни тўлатиш жавобгарлик чораси эмас, балки ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этиш, ҳуқуқбузарликдан аввалги ҳолатни тиклаш демакдир. Бу-адолат ва одилликнинг доимий талаби.

Қўрқитиш, жазолаш, репрессив таҳдидларга асосланган ўтмиш ҳуқуқ тизимида зарарни ундиришга алоҳида эътибор берилмас эди. Асосий диккат ҳуқуқбузарларга жавобгарлик юклаш, юклаганда ҳам уни жамиятдан ажратиб қўйиш, инсоний туйғуларини таҳқирлаш, паст тоифадаги одам сифатида қараш, муайян моддий маҳрумликлар, жисмоний азоб-уқубатлар, руҳий изтиробларга дучор қилувчи шароитда яшашга қаратилар эди.

Президентимиз Ислом Каримов қонунчилигимизда иқтисодий соҳадаги жиноятлар ва унинг учун жавобгарлик тушунчасини замон талабига мос равишда идрок этишга асосланган янгича ёндашув моҳиятини кўрсатиб берди. Бу иқтисодий таъсир чораларни қўллаш имкониятларини кенгайтириш, озодликдан маҳрум этиш ўрнига жаримани қўллашни кўпайтириш, унинг миқдорини ошириш, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чораларидан фойдаланишни англатади. Жиноят Кодексининг 5 та моддасида агар жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қопласа, судлар томондан озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони қўлламаслик белгилаб қўйилди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс, агар муқаддам судланмаган бўлса, ўз айбини бўйнига олса, жиноят оқибатида келтирган зарарни тўласа, жабрланувчи билан ярашса, суд ишни ҳаракатдан тўхтади ва у судланмаган ҳисобланади.

Бу қоидалар қонунчилигимизнинг инсонпарварлик, адолат, одиллик хусусиятларини янада орттиради. Айни вақтда етказилган зарарни ундириш масаласида муайян муаммолар ҳам мавжуд. Энг аввало шуни қайд этиш лозимки, Жиноят ва Фуқаролик Кодексларидаги ўзбекча матнларда зарар ва зиённинг фарқи аниқ эмас. Русча матнларда эса "вред" ва "ущерб, убыток" тушунчалари фарқланади. Шу ўринда шундай савол туғилиши мумкин: хўш, улар ўртасидаги тафовут ҳуқуқий муҳофаза учун ўзига хос аҳамиятга эгами? Бизнингча, эга. Чунки зиён тушунчасида нафақат моддий талофат, балки кишининг ҳаёти, соғлиғи, қонун билан қўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатларга тажовуз натижасида етказилган салбий оқибатлар тушунилади. Зарар эса, Фуқаролик Кодексининг 14-моддасида назарда тутилганидек, **ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатларни, унинг молкмулки йўқолиши ёки шикастланиши (реал зарар), шунингдек, бу шахс фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.** Бинобарин, зарар ўз таркиби бўйича икки қисмдан иборат: реал зарар ва бой берилган фойда. Фуқаролик Кодексининг 324-моддасига асосан бой берилган фойдани аниқлашда кредитор томонидан уни олиш учун кўрилган чоралар ва шу мақсадда кўрилган тайёргарликлар ҳисобга олинади.

Агар буни жиноят ишига кўчирсак, у ҳолда бой берилган фойда, биринчидан, объектив жиҳатдан уни олиш имконияти мавжуд бўлиши керак; иккинчидан, субъектив томондан жабрланувчи фойдани олишга тайёргарлик кўрган бўлиши лозим.

Фуқаролик Кодексининг 34-моддаси 3-қисмида **"агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли"** деб кўрсатилади. Зарарни ундиришда ушбу қоида ҳам ҳисобга олинмоғи шарт.

Зарарни ундириш, тўлаш жараёнида Фуқаролик Кодексининг мажбуриятларни бажариш тўғрисидаги қоидалари қўлланиши лозим. Бунга қуйидагилар киради:

1) Жабрланувчига етказилган мулкий зарар асл ҳолича, яъни натура шаклида қопланиши ва ўрнига қўйилиши лозим. Агар натура шаклида тўлашга нисбатан жабрланувчининг қизиқиши бўлмаса ёхуд натура шаклида тўлашнинг имкони бўлмаса (турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашё нобуд бўлган ва уни тиклаб бўлмаса) зарар қиймат шаклида тўланиши лозим.

2) Зарар қиймат, пул кўринишида тўланганда Фуқаролик Кодексининг 324, 327 — моддаси қўлланади. Зарар қиймати талаб қўйилган ёки пул тўлови тўланган вақтдаги нархлар бўйича ҳисобга олиниши лозим.

Ҳозир фуқаролик судларида пул мажбуриятларини амалга оширишда валюта тури ва инфляция жараёнига ҳам эътибор берилади. Бунда турли судьялар турли усулларни қўллайди (масалан, минимал иш ҳақи миқдорининг қай даражада ўзгарганлиги, Марказий банк фоиз ставкалари, статистика хизматининг истеъмол товарлари қийматининг ўсиш даражаси ҳақидаги маълумотлари ва ҳ.к.).

Таъкидлаш жоизки, зарарни тўлаш — бу энг аввало, ҳуқуқбузар томонидан амалга ошириладиган ихтиёрий ҳаракатдир. Агар у буни амалга оширса, унинг учун жуда қулай натижалар вужудга келади: унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланмаслиги ёки у умуман жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Зарарни тўлаш суд ҳукми чиққунча ёки тергов, суриштирув жараёнида амалга оширилиши шарт.

Зарарнинг қиймати тўғрисида тарафлар ўртасида низо бўлган тақдирда тергов, суд аралашиши мақсадга мувофиқдир. Зарур ҳолларда баҳоловчи экспертлар хизматидан фойдаланиш мумкин. Зарарни тўлашда жабрланувчи ва ҳуқуқбузар адолат, инсоф тамойиллари асосида иш кўриши лозим. Амалиётда баъзан жабрланувчи ҳуқуқбузарга нисбатан шантаж, товламачилик қилиши, асоссиз талаб қўйиши рўй бериши мумкин. Фикримизча, суд ва тергов органлари бу ўринда жабрланувчи талабларининг асослантирилганлигини назорат қилиб туришлари мақсадга мувофиқ.

Суд ўз хоҳишига кўра ҳам зарарни ундиришни ҳуқуқбузар зиммасига юклаши мумкин. Бунда зарарни ундириш жиноят судларида ҳам, агар имкони бўлмаса, суд томонидан зарар етказилганлик факти ва зарарни тўловчи субъектни ҳукмда белгилаш орқали фуқаролик судловида ҳам амалга оширилиши мумкин. Зарарни ундириш суд ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисидаги қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бу ўринда ундириш ҳаракати ҳуқуқбузарнинг қандай мол-мулкига нисбатан қаратилмайди, деган савол туғилиши табиий. Бу масала Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат асосида белгиланади. Ҳозирча бундай рўйхат тасдиқланмаган. Фикримизча, ундириш ҳаракати маҳкумни инсон сифатида энг зарур эҳтиёжларини қаноатлантириш учун фойдаланиладиган молмулкка нисбатан қаратилмаслиги лозим. Эски таҳрирдаги Жиноят Кодексининг 53-моддасида кишининг ҳаёт кечириши учун уй-жой, жиҳозлар, кийимлар мажбурий тартибда олиб қўйилмаслиги, мусодара қилинмаслиги ҳақида қоида бор эди. Бироқ янги таҳрирдаги Жиноят Кодексида мусодара қилиш ҳолати чиқарилиб ташлангани боис бу қоида ҳам бекор бўлди.

Яна бир долзарб масала — ибораларни тўғри қўллашдан иборат. Жиноят Кодексида баъзан "зарарни уч карра тўлаш" ибораси қўлланилади. Бу ҳолда мазкур жумла жарима маъносини билдиради. Жиноят ишлари бўйича жарима одатда давлат фойдасига ундирилади. Яъни жабрланувчига жарима тўланмайди.

Инсон ҳаёти, соғлиғи, шаъни олий қадрият ҳисобланади. Шу боис уларнинг баҳоси йўқ. Ҳеч қандай молмулк унинг ўрнини боса олмайди. Бироқ қадимда "қонга-қон" тамойили билан бирга хун тўлаш ҳам мавжуд бўлган. Бу жабрланувчига тўланадиган тўлов деган маънони билдирган. Ҳозир Фуқаролик Кодексида кишининг ҳаёти, соғлиғига етказилган зиён учун товон тўлатиши зиён ундириш кўринишида мавжуд. Шу ўринда шуни таклиф қилардикки, жиноят ҳуқуқида ҳам товон тўлатиш жиддий ўрганилса ва жазо тури сифатида қўллаш учун илмий асослар ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу ҳолат ҳуқуқбузар учун ҳам, жабрланувчи учун ҳам, жамият учун ҳам ижобий самара берган бўларди. Зеро, халқ орасида "қон қон билан ювилмайди, қоннинг доғларини фақат тоза сув билан ювиш мумкин", деган ҳикмат бор. Шу маънода айтиш жоизки, ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган либераллаштириш чоралари бамисоли тоза сув вазифасини бажаришига асло шубҳа йўқ.



Биз йил давомида **"Инсон ва қонун"** газетасини ўқиб бордик. Унда ёритилган ранг-баранг ва мазмунан бой мақолалардан ўзимизга керакли кўп нарсаларни ўргандик. Мен ФҲДЁ бўлимида ишлаётганим боис шу соҳа ҳаёти ёритилган мақолаларни, айниқса, катта қизиқиш билан кузатиб бордим ва янги йилдан яна шу газетага ёзилдим.

Ушбу сатрларни ёзишимга газетанинг 16 октябр сонида чоп этилган **"Исмда ҳикмат бор"** сарлавҳали мақоланинг менга жуда манзур бўлганлиги сабаб бўлди. Мақолада муаллиф чақалоққа исм танлаш тарихи ва у билан боғлиқ ривоятларни тилга олиб, ҳозирда баъзан шундай қутлуғ удумга номунносиб ишлар содир бўлаётгани ҳақида куюниб ёзади.

"ФҲДЁ ходимлари хатоларга барҳам бериб, болаларга маъноли, ярашиқли исмларни қўйишда ота-оналарга яхши маслаҳатчи бўлмоғи, ҳужжатларда исмларнинг тўғри ёзилишида ўта масъулият ва бурч ила ёндашмоғи лозим. Негаки, имло қоидаларига риоя қилмаслик, маданий савия, эстетик дид, саводхонлик ва ҳафсаланинг етишмаслиги кўплаб чалкашликларга сабаб бўлмоқда", деган сатрлар айнан бизнинг соҳамизга, ишимизга дахлдор бўлганлиги учун шу мавзуда фикр-мулоҳаза юритишни лозим топдим.

Ҳақиқатан ҳам фарзанд ота-онанинг кўнгил қувончи, бахт-саодатидир. Чақалоқ туғилган хонадонга олам-олам қувонч кириб келиши табиий. Ҳали бола ёруғ дунёга келмасидан анча олдин ота-она кўпгина масалаларни муҳокама қила бошлашади. Қандай исм қўямиз, деган савол ҳам пайдо бўлади. Худди шу ҳаяжонли дамларда болаларга беярашиқ исм қўйилишидан сақлана билиш лозим. Албатта, тарихга назар ташласак, аждодларимиз ўз болаларини турли ҳайвон ва қуроллар номи билан ҳам аташганига гувоҳ бўламиз. Масалан, Ҳўрозбой, Йилқи, Қўчқор, Ўроқбой, Болта ва бошқа шу каби исмларни кўп эшитганмиз. Биз уларни айблай олмаймиз ва бунга ҳаққимиз ҳам йўқ. Лекин бундай исмлар ўша даврда одамларга манзур бўлган эса-да, ҳозир қулоққа бироз эриш туюлади. Мақолада таъкидланганидек, чет эл кинофильмлари қаҳрамонлари номи билан исмланган болалар ҳам эрта-индин тенгдошлари даврасида кулгу бўлиб, ўз ота-оналаридан норизо бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас. Шунинг учун исмни ҳар тарафлама ўйлаб, ҳам мазмунли, ҳам чиройлисини танлай билиш керак.

Касбимиз тақозоси билан шу ўринда яна бир нарсани таъкидламоқчиман. Исмни ҳадеб ўзгартираверишташвиш ва ноқулайчилик келтириши бор гап. Шунинг учун насабларни ҳам ўз вақтида пухта ўйланган ва келишилган ҳолда ёздирилса, ФҲДЁ бўлимларида ҳужжатларни қайтадан расмийлаштириб ёзиш ҳоллари бирмунча камаярди.

Биргина бизнинг Собир Раҳимов туманимизда шу йилнинг ўзида ё исми, ё насабини ўзгартиришни сўраб, 200 нафар вояга етганлар, 197 нафар вояга етмаганлар мурожаат қилишди. Бу аризаларнинг деярли ҳаммаси ҳал қилинган бўлса-да, исм ёки насабни ўзгартириб, қайта ҳужжатлаштириш анча қийинчиликлар туғдиришини ота-оналар яхши англаб олишлари керак. Вояга етганларнинг ўз исми ёки насабини ўзгартириши жараёнини олиб қарайлик. Аввало, унинг нима сабабдан бундай қарорга келганлиги тўғрисидаги маълумот ва ҳужжатлар тўплами ФҲДЁ бўлимимизда тайёрланади. Сўнгра ҳужжатлар туман ИИБга юборилади. ИИБ ходимлари у шахсни ҳар томонлама ўрганиб бўлгач, ўз хулосаларини қўшган ҳолда бизга яна қайта йўллашади. Шундан сўнг фуқаронинг олдинги ҳужжатлари бекор қилиниб, қайтадан янги ҳужжатлар берилади.

Баъзан бўлимимизга икки миллатга мансуб эр-хотинлар бола етаклаб келиб, унинг насабини белгилашда хатога йўл қўйилгани, хатони зудлик билан тўғрилаш зарурлигини сўраб, жанжалли ҳолда ҳам келиб қолишади. Бу ўринда ота-оналар билиб олишлари зарурки, боланинг насаби отасиники билан белгиланганда, онанинг розилиги сўралмайди. Аммо бола онасининг насабига ўтказиладиган бўлса, бу иш отасининг розилигисиз амалга оширилиши мумкин эмас.

Икки миллатга мансуб ота-онадан дунёга келган бола фақатгина вояга етиб, фуқаролик паспорти олиш, отаси ёки онасининг миллатини танлаб, ўзи учун насаб белгилаш ҳуқуқига эгадир.

Демокчи бўлганимиз, ҳақиқатан ҳам, исм ва насабда гап кўп. Аввало, барча оилаларда чақалоқлар туғилиб, олам ва одамни қувонтираверсину, аммо ота-оналар унга исм танлаш ҳамда насабини белгилашда ўзаро келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, ҳал этсинлар. Шундагина ФҲДЁ бўлимларига қайта-қайта келиб, "Боламнинг насабини ўзгартираман, унинг насабини ўзимнинг исмим билан белгилаган эдим, отам ёки бобом хафа бўлдилар, энди ўзгартирмасак бўлмайди", дейиш ва шунга ўхшаш афсусли мурожаатлар камаяди.

Бу йил туманимизда дунёга келган 4600 нафарга яқин чақалоқларга исм танлаш ва насабларини белгилашда биз ота-оналарга узулксиз тушунтириш ишларини ҳам олиб бордик. Ўйлаймизки, меҳнатимиз зое кетмайди. Чақалоқлар ўсиб-улғайгач, ўз исм ва насабларидан фахру ифтихор қилишади.

Нодира УМАРОВА,
Тошкент шаҳри

Савол беринг!

Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Ҳурматли таҳририят!

Мен ўзимни қийнаб турган қуйидаги савол билан мурожаат қилаяпман. Тақдир экан, 1986 йили иш жараёнида ногирон бўлиб қолдим. Шу пайтга қадар иш жойимдан 40 фоиз, давлат томонидан эса 60 фоиз ногиронлик нафақаси олар эдим.

Жамоа хўжалигимиз тугатилди-ю, у томонидан бериб турилган нафақани ололмай қолдим. Мен энди нафақа пулимни кимдан ва қеардан оламан?

Туроб РЎЗИЕВ,
Навоий вилояти, Навоий туманидаги "Ҳазора" жамоа хўжалиги

Газетхоннинг бу саволига Адлия вазирлиги Қонунчилик бошқармасининг катта маслаҳатчиси Баҳрулло ҲАСАНОВ шундай жавоб беради:

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган "Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиш, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш" қоидаларининг 27-бандига мувофиқ, корхона тугатилган ёки қайта ташкил этилган тақдирда, ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиш, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарлар учун тўлов унинг ҳуқуқий вориси томонидан тўланади.

Тугатилган корхона бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига зарар тўловларига тегишли бўлган суммани ўтказган бўлса, тўловлар тегишли туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими орқали тўланади.

Агар корхона тугатилганда, зарарни қоплаш тўловлари суммаси ўтказилмаган тақдирда, зарарни ундириш бўйича тугатилган корхонанинг ҳуқуқий вориси ёки унинг юқори хўжалик органига мурожаат қилиш лозим.

Оталар дейдики:

Азизим, кимки улуғлик тожи бошимга қўниб, саломат бўлай деса, ҳаракат камарини белига боғлайди. Кўрмайсанми, пиёдалар шоҳмотнинг катагини босиб ўтганларидан сўнг мардоналиклари туфайли фарзинлик даражасига эришади. Кичкинагина ой эса ўн тўрт кунлик сайрдан сўнг ҳилоллик даражасидан тўлин ойлик мартабасига етишади.

***

Ёмонлик-бутун нуқсонлар мажмуидир.

Дунёнинг ишлари сиёсатсиз тартибга тушмайди.

Агар таълим-тарбия ва жазо тўғрисида қонун-қоида бўлмаса, (мамлакат) ишлари бузилади.

***

Ҳамма кишилар ақлга муҳтождирлар, ақл эса амалиётга, иш-ҳаракатга эҳтиёж сезади, шунинг учун ҳам амалиётни ақлнинг ойнаси дейишади.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

Қариси бор уйнинг париси бордир.

Бахтиёр АКРОМОВ олган сурат

Жаҳон тажрибаси

ЭРКИН ИРОДА — ҚОНУН КАФОЛАТИ

ёки

Конфуций таълимотининг қадимги Хитой қонунчилигига таъсири хусусида

Қадимги Хитойда инсонт тушунчаси инсон жиноий иродасининг юзга чиқиши билан боғланганлиги боис, ҳуқуқбузар кимса "тубан инсон" сифатида қаралган. Унинг "тубанлиги" шу билан белгиланганки, у ўзининг ҳалокатли, жиноий иродаси билан ўзи яшаб турган, ўзи тааллуқли бўлган ижтимоий гуруҳ, жамият ва табиат ўртасидаги уйғунликни, тартибни ва ҳатто содир этган жинояти ҳавфлигига қараб, бутун дунёни бузиб юбориш мумкин, деб ҳисобланган.

Хитойда Хань даврида "агар ирода эркин бўлса, инсон қонунни бузмайди" деган Конфуций тамойилига асосланган айб тури ҳақидаги махсус таълимот юзага кела бошлаган. Жазо чораларини белгилашда жиноий ирода ҳисобга олинган. Бу талабли асосида Хитой ҳудудида ғараз мақсадларда содир қилинган жиноятлар билан хато натижасида содир этилган жиноятлар бир-биридан ажратила бошланган. Тан жароҳати етказганлик учун жазонинг оғирлиги жароҳат "ёвуз мақсадда" етказилганми ёки уришиш-ёқалашиш натижасида етказилганми, шунга қараб ажрим қилинган. Қасддан қилинган туҳмат учун оғир жазо белгиланган бўлса, тасдиқланмаган чақимчилик учун анча енгил жазо назарда тутилган.

Бундан ташқари, жиноят ҳуқуқида тугалланган жиноят ва суиқасд ўртасидаги фарқ ҳам ажратилган. Жиноятга суиқасд қилиш жиноий иродани кўзга ташланиши сифатида кўрилиб, анча енгилроқ жазо белгиланган. Бироқ жиноят ҳуқуқининг кўпгина умумий тамойиллари аниқ ҳаракат қилмаган. Натижада конфуцийларнинг қистови билан суиқасд кўпинча тугалланган жиноят деб аталган. Масалан, яқин қариндошини ўлдиришга суиқасд қилиш тугалланган жиноят деб ҳисобланган.

Бунинг устига "Жиноий ирода" концепцияси жиноятда иштирокчилик ва гуруҳ жиноятчилиги каби институтларнинг мазмунини ҳам белгилаган. Янги эра арафасида жиноят ҳуқуқида махсус меъёр пайдо бўлган. Унга кўра, жиноят қилишга бевосита қасд қилган, уни режалаштирган шахс жиноий гуруҳ бошлиғи ҳисобланган. Агар жиноят олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, гуруҳ шахслар томонидан қилинган жиноят деб эътироф этилган, акс ҳолда жиноий гуруҳ иштирокчиларининг ҳар бири алоҳида жиноят учун жавобгарликка тортилган. Жиноий гуруҳ иштирокчилари орасидан айби бошқаларга нисбатан айниқса, оғир бўлган гуруҳ бошлиғи — жиноят ташкилотчисининг ажратилиши конфуцийларнинг легистлар устидан ғалабаси эди. Зеро, юқорида эслаб ўтилган — милоддан аввалги 120 йилда пайдо бўлган қонун легистларнинг жазолар универсаллиги ҳақидаги ғояларига асосланган эди.

Жиноят ҳуқуқида айбни енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар — ҳуқуқий қоидалар конфуцийларнинг қўйидаги панднасиҳатларида ҳам белгиланган: **Ота-оналар ва қариндош-уруғларни бошқалар олдида кўпроқ севиш, кексаларга ҳар жиҳатдан ҳурмат кўрсатиш, ногиронларга ҳамдард, болаларга раҳмдил бўлиш лозим.**

Шу муқаддас бурчлар нуқтаи назаридан 8 ёшдан кичик болалар ва 70 ёшдан катта кексалар тан жазоларидан озод этилган. Бироқ Хитой анъанавий ҳуқуқи ўз ҳаракатини идрок эта олмаганлиги ёки ўз ҳаракатларини идора қила олмаганлиги туфайли жавобгарликдан озод этиш ҳолларини тан олмайди.

У ёки бу ҳуқуққа хилоф хаттиҳаракатни жиноятлар рўйхатига қўшиш, улар учун жазоларнинг оғир-енгиллигини белгилаш императорнинг хоҳиш-иродаси, конфуцийлар ва легистларнинг устунлик мавқеи каби бир қанча ҳолатларга ҳам боғлиқ бўлган.

Манбаларда қайд этилган маълумотларга қараганда, Чжоу даврида Му кодексида кўрсатилганидек, 3000 турдаги жиноят мавжуд бўлган. Буларнинг орасида давлатга қарши (исён, фитна), динга қарши (сеҳргарлик билан шуғулланиш, қулни кўчага ташлаш), шахсга қарши (одам ўлдириш, тан жароҳати етказиш), мулкка қарши (ўғрилик, талончилик, бировнинг чорвасини сўйиш), ҳарбий (қўшин йиғиладиган жойга белгиланган муддатда етиб келмаслик, жангда қўрқоқлик қилиш) жиноятлари муҳим ўрин тутган. Бунинг устига давлатга қарши жиноятларга оғир жиноят сифатида қаралган.

Милоддан аввалги IV-III асрларга оид чиновниклар учун мўлжалланган қўлланмаларда ибодатхоналардаги ўғрилик, диний маросимларга тегишли нарсаларни ўғирлаш, жароҳат етказиш, туҳмат, армиядан қочиш каби жиноят ишларини кўриш ҳақида кўпгина мисоллар келтирилган. Конфуцийларнинг ахлоқ қоидалари асосида отага, оила каттасига бўйсунмаслик каби жиноятлар ҳам жуда эрта ажралиб чиққан эди. Қадимги вақтлардаёқ юқори ва қуйи чиновникларнинг хизмат бўйича қилган хатолари ёки ножўя қилмишлар учун анъанавий жавобгарлик ўрнатилган эди. Милоддан аввалги III асрда ўз хизматдошининг айбини билган ва бу ҳақда хабар бермаган чиновникнинг жиноий жавобгарлиги жорий қилинган. Қадимги Хитой жиноят ҳуқуқи бўйича солиқ тўлашдан бош тортиш жиноят сифатида кўрилган, ичкиликбозлик билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан ўлим жазоси белгиланган.

Қадимги Хитойда "бао" деган иборанда содир этилган жиноят учун ўч (қасос) олиш деган маънода фойдаланилган. Жиноят ҳуқуқида талион тамойили бўйича қасос олиш одати узоқ вақт сақланиб қолган. Хитой жамиятида синфий курашнинг кескинлашиб бориши натижасида бу одат астасекин жазоларнинг бошқа турлари томонидан сиқиб чиқарилган, бевосита давлат ҳокимияти органлари томонидан қўлланиладиган тан жазолари ва ўлим жазоси кенг тарқала бошлаган.

Шуни айтиш керакки, жазо турлари турли даврларда бир-биридан жуда кам фарқ қилган. Инь давлатида таёқ билан уриш, бурнини кесиш, оловда куйдириш, майда бўлакларга бўлиш, бошини кесиш, тириклайин ерга кўмиш, оёқ-қўлларини узиш, кўзини ўйиш каби жазолар қўлланилган. Подшо Му Қонунномасида жазоларнинг қуйидаги беш тури ажратиб кўрсатилган: 1) "мосин" (татуировка йўли билан юзга тамға босиш) — бу 1000 хил айблар учун қўлланилган; 2) "исин" (бурунни кесиш) — бу ҳам 1000 хил айбларга нисбатан берилган; 3) "фэйсин" (оёғини кесиш) — 500 хил айблар учун; 4) "чужин" (эркаклар учун кастрация ва аёллар учун қулга айлантириш) — 300 турли айблар учун; 5) "данисин" (бошини кесиш) — 200 турли айблар учун. Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, Қонунномада таёқ билан калтаклаш, қамчи билан савалаш, қулоқларини кесиш ва бошқа жазолар ҳам кўрсатилган.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Хитой жиноят қонунлари жазоларнинг жуда оғирлиги билан ажралиб туради. Цинь даврида қўрқитиш тамомила жазонинг асосий мақсади бўлиб қолган. Ўлим жазоси хилма-хил кўринишларда жуда кенг қўлланган. Одатда қатл этилган жасад ҳаммага кўринадиган жойларда — бозор ёки катта йўлда дарахтга осиб қўйилган. Бунинг устига гуноҳкорнинг танасини иккига бўлиб ташлаш тез-тез қўлланиб турган.

Айниқса, сиёсий, давлатга қарши жиноятлар учун жуда оғир жазолар қўлланилган. Бундай пайтда нафақат айбдорнинг ўзи, балки унинг ота-онаси, хотини томонидан уч авлод қариндош-уруғлари ҳам жавобгар ҳисобланган. Хань империясининг дастлабки даврида махсус фармон чиқарилиб, давлатга қарши жиноят содир этган шахснинг уч авлоди қирғин қилиниши белгиланган. Гуноҳкорнинг сўнгги авлодига эса дастлаб татуировка йўли билан тамға босилган, сўнгра уларнинг бурун ва оёқлари кесилган, ундан кейин уларни таёқ билан ўлгунча уриш лозим бўлган. Уларнинг боши танидан жудо қилиниб, суяк ва гўштлари бозор майдонларида осиб қўйилган. Агар кимда-ким бунга норозилик билдириб, ҳукуматни танқид қилса, унинг тили кесилган, гуноҳкорнинг хотини ҳам шундай жазога мустаҳиқ этилган. Бундай жазо айбдорнинг отаси, онаси, болалари, ака-ука ва опа-сингилларига ҳам, ёшидан қатъи назар, қўлланаверган. Мавжуд тузумга қарши фитна ва исёнларда иштирок этган шахслар қайнаб турган сув ёки ёниб турган гулханда куйдирилган. Бундан ташқари, ўлим жазосининг тириклайин кўмиб юбориш, бўлакларга бўлиб ташлаш ва ҳоказо усуллари қўлланилган.

Юқоридагилардан ташқари, маълум муддатга каторга ишларига жўнатиш жазоси мавжуд бўлган. Бундай жазога гирифтор бўлган маҳкумнинг кўзи атрофи доира шаклида яшил рангга бўялиб, сочи тагидан олиб ташланган ва бўйнига темир ҳалқа осиб қўйилган. Баъзан бунга таёқ билан калтаклаш жазоси ҳам қўшилган. Бамбук таёғи билан уриш мустақил жазо тури сифатида ҳам қўлланилган. Баъзан бу жазо бармоқларни кесиш билан алмаштирилган.

Жазоларнинг сургун, мансабидан бўшатиш ва жарима солиш каби турлари ҳам мавжуд бўлган. Баъзан тан жазолари жарима тўлашга алмаштирилган. Бунда, албатта, мулкдорларнинг манфаатлари инобатга олинган.

Ўлим жазоси дарҳол ёки маълум муддат ўтгач, ижро этилган. Гап шундаки, баҳор ва ёзда, яъни табиат уйғонаётган даврда тирик мавжудотни ўлдириш табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро уйғунликнинг бузилишига олиб келиши, бунинг оқибатида эса сув тошқинлари, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлар келиб чиқиши мумкин деб ҳисобланган (Конфуций таълимоти асосида). Шу сабабли ўлим жазоси куз ёки қиш фаслларида ижро этилган.

Ҳайдарали МУҲАММЕДОВ,
юридик фанлари номзоди

ОТ ЎҒРИСИ КИМ?

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Қимматли вақтларингизни олаётган бўлсам ҳам, юз берган воқеани айнан ёзишга ҳаракат қиламан. Мен, Аҳрор Ҳайдаров, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги "Мойбулоқ" ширкат хўжалигида истиқомат қиламан. 1995 йилда "Мойбулоқ" ширкат хўжалигининг 2-бўлимига бошлиқ қилиб тайинландим. 2000 йилнинг 13 мартига қадар шу вазифада фаолият кўрсатдим. Озми-кўпми, халқим учун, мустақил Ватанимиз учун меҳнат қилдим. Бироқ бошимга ўша 2000 йилнинг 13 мартидан бошлаб қора булутлар тўплана бошлаганидан бехабар эканман. Хўжалигимиз 1998 йилнинг 18 мартидан санацияга ўтказилиб, унга ташқи бошқарув раиси сифатида Рустам Васиев тайинланган эди. Мен ташқи бошқарув раисига ариза билан мурожаат қилиб, 2000 йилнинг 13 мартидан навбатдаги меҳнат таътилига чиқдим. Орадан бир кун ўтиб, яъни 2000 йилнинг 14 мартида "Мойбулоқ" ширкат хўжалиги бошқаруви аъзоларининг қарори билан эгаллаб турган вазифамдан озод этилганим ҳақидаги хабарни эшитиб қолдим. Ташқи бошқарув раиси ва бошқа мутасаддиларга қилган мурожаатларим фойдасиз бўлгач, Каттақўрғон туман агросаноат ходимлари касаба уюшмаси қўмитасига ариза ёздим. Уюшма қўмитаси ҳуқуқшуноси Ҳасан Холдоров аризамга шундай жавоб берди: **"Аҳрор Ҳайдаров бутунлай қонунга зид равишда ишдан бўшатилган. Қонун талаби бўйича ходим меҳнат таътилига чиққанида унинг иш жойи, лавозими, ойлик маоши кафолатланган ҳолда сақланади. "Меҳнат Қонуни"нинг 133-моддасида бу ҳолат аниқ-равшан белгилаб қўйилган".**

Ҳ.Холдоровнинг шу мазмундаги хати қўлимга текканида, тўғриси, елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди. Афсуски, адашган эканман... Келинг, шу ўринда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг шу йил 28 сентябр сонида чоп этилган мақоладан кўчирма келтирай:

"...2000 йилнинг 29 мартида "санация" тугатилиб, хўжалик кооператив ширкат хўжалигига айлантирилади ва... Камол Мамадиёров бош бўлган йилқичилик бригадасида 269 бош йилқи камомади аниқланиб қолади. Бу гап чин камомадмиди ёки уюштирилган янги ифвомиди, ҳарқалай, баҳсли ва сирли жиҳатларга тўла. "Ана, айбдор топилди, отлар манзили Ҳайдаровнинг бўлими ҳудудида эди. Демак, у ҳам ўғриларга шерик!" Негадир туман прокуратураси қолиб, вилоят прокуратурасининг кўрсатмаси билан "от ўғрилари" — отбоқар К.Мамадиёров ва собиқ бўлим бошлиғи А.Ҳайдаров "хўжаликнинг жуда кўп миқдордаги мулкларини ўзлаштирган жиноятчилар", деган айб остида қамоққа олинади.

Аммо тергов мобайнида Ҳайдаровнинг "от ўғриси" эмаслиги, унга бирон отнинг синган тақасиям тегмаганлиги ойдай равшан бўлиб қолади. Лекин ўжарлик ҳам антиқа феъл-да, қоғозга ёзсангиз кўтараверади, масалан, "отларни назорат қилмагани учун фалончи, фалончини назорат қилмагани учун пистончи қамалсин", қабилидаги хулосага қандай қарайсиз? Мамадиёров йўқолган отлар учун қамалгани маъқулдир, аммо Ҳайдаров "Мамадиёровни назорат этмагани" учун қамалди.

Хўш, Ҳайдаров Мамадиёровни назорат қилишга бурчлимиди?

— Санация ҳақидаги қонун бўйича отлар масаласида Мамадиёровни назорат қилиш масаласида Ҳайдаровнинг мутлақо жавобгарлиги йўқ! — деб жавоб беради "Мойбулоқ" хўжалиги тафтишчиси Н.Хайруллаев. — Хўжалик раҳбари Р.Васиев ва бош отбоқар Камол Мамадиёров ўртасида тўғридан-тўғри ва бевосита ҳеч бир кишининг воситачилигисиз ўзаро моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома мавжуд эди...

— Мен суд жараёнида Аҳрор Ҳайдаровнинг айбсиз, ноҳақдан терговга тортилганини айтганман, — деб тушунтиради Р.Васиев. — Унинг отлар масаласида мутлақо айби йўқ..."

Энди буёғига нима дейсиз? Мен ҳали ўз жойимга тикланишни талаб қилиб аризабозлик қилиб юргандим. Улар бўлса ҳе йўқ, бе йўқ, қамоққа тиқиб қўя қолишди. Икки ойу уч кун ҳибсхонада ўтирди. Энди мен нафақат ишга тикланиш, балки айбсизлигимни исботлаш учун ҳам ҳаракат қила бошладим. Ниҳоят, узоқ давом этган тергов жараёни тугаб, иш судга оширилди. Келинг, 2001 йилнинг 21 мартида Каттақўрғон туман суди биносида бўлиб ўтган Нарпай туман судининг очиқ мажлиси (раислик этувчи А.Норбўтаев) қабул қилган ҳукмдан ҳам кўчирма келтирай:

"...Дастлабки тергов ва жиноят иши ҳужжатларида ёки суд тергови даврида судланувчи А.Ҳайдаровнинг ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланганлиги ҳолатлари аниқланмади ва ўз исботини топмади... 269 бош отларнинг камомадга йўл қўйилишида судланувчи А.Ҳайдаровнинг алоқадорлиги ёки унинг ўзгалар мулкини ўзлаштиришда, талон-тарож қилишда иштирок этганлиги бирор ҳужжат, далиллар ва бирор кишининг гувоҳлиги, кўргазмалари билан исботланмади...".

Энди бунисига нима дейсиз? Мен суд жараёнида айбсиз топилдим. Лекин шунга қарамасдан, суд мени 3 йил қамоқ жазоси билан "мукофотлади". Ҳайрон бўлиб қолдим. Ҳукмда айбсиз эканлигим таъкидланса-да, нега яна 3 йил қамоқ муддатини бўйнимга илдилар. Яна иддао қилиб айтдиларки, мен бу муддатни қамоқда ўтказишим мумкин экан. Уларнинг менга раҳми келиб, амнистия беришибди. Тўғри, айбдор одамга амнистия орқали жазодан қутулиш хуш ёқар. Лекин менга-чи? Айбим бўлмаса, тергов, суд менга ҳеч қандай айбдорликни тақай олмаган бўлса, нега қамоқ муддати белгиландию, яна нега амнистия билан авф этилдим? Бу саволлар билан яна мутасадди идораларга мурожаат қила бошладим. Менинг ишим қайта суд қилинадиган бўлди. Лекин бу суднинг ҳукми олдингисидан ҳам ошиб тушди. Келинг, Пахтачи туман суди 2001 йилнинг 19 июнида (раислик этувчи А.Искандаров) кўриб чиқиб, чиқарган ҳукмдан ҳам кўчирма келтирай:

"...Ҳайдаровга нисбатан хўжаликнинг бир неча фуқаролари томонидан аризалар мавжуд бўлиб, уларнинг суд мажлисида берган кўргазмалари ва аризаларида кўрсатилган важларни тасдиқловчи бирон-бир конкрет факт йўқлигини ҳисобга олди, ширкат хўжалигининг Ҳайдаровга нисбатан зарар бўйича умуман даъвоси йўқ эканлигини эътиборга олди"... ва... "дастлабки тергов органлари томонидан асосли равишда жиноий жавобгарликка тортилган, деган хулосага келганлигини" қайд этди...

Энди бунисига кулайинми, куйайинми? Бу ҳукмда ҳам менинг айбсиз эканлигим таъкидланаяпти. Шунинг билан биргаликда менга берилган жазо тўғри эканлиги ҳам тасдиқланмоқда. Яна юқоридаги саволни такрорламоқчиман: мен айбсиз эканман, нега жазога тортилдим? Менинг ноҳақ қамоқда ўтирган пайтим, ишламай юрган вақтим, энг асосийси, судланган деган тамғани кўтариб юрганим учун ким жавоб беради? Ҳа, айтганча, Пахтачи туман судининг ҳукмга қилган қўшимча банди ёдимдан кўтарилибди. Бу судда Нарпай туман судининг қарори қўллабқувватланиш билан биргаликда **"Ҳайдаровнинг мол-мулки тўлиқ давлат фойдасига мусодара қилинсин"**, деган қўшимча ҳам бор. Қизиқ, айбдор бўлмасам, нега энди менинг мол-мулким мусодара қилиниши керак экан? Менинг бу саволимга ҳам ҳозирча ҳеч ким жавоб бераётгани йўқ.

Энди йўқолган отлар масаласига келсак, кейинчалик маълум бўлишича, отлар йўқолмаган, балки атайлаб йўқотилган экан. Айни тергов жараёнида 34 бош от топилган. Лекин бу отларни на хўжалик раҳбарлари, на менинг "ишим" билан шуғулланган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идора ходимлари инобатга олишмаган. Тўғрироғи, йўқолган отларни олиб келиш ҳам ҳеч кимга керак бўлмаган. Майли, бу томонларини керакли идоралар текшириб кўришар. Менинг эса сизлардан битта илтимосим бор. Мен нега судландим? Мана шу саволга жавоб топишимда ёрдам берсангизлар. Агар айбим бўлса, ҳар қандай жазога розиман. Агар айбим бўлмаса, менинг бўйнимдаги "судланган" деган тамғани олиб ташлашсин. Умид ва ишонч билан

Аҳрор ҲАЙДАРОВ,
Самарқанд вилояти,
Каттақўрғон тумани,
"Мойбулоқ" ширкат хўжалиги, Ёнбош қишлоғи

ТАҲРИРИЯТДАН:

Азиз муштарий! Яна бир таҳрирсиз мактубимиз билан танишдингиз. Тўғриси, биз мактубни анчайин қисқартириб чоп этаётирмиз. Айни масала юзасидан "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Ишонч" газеталарида ҳам мақолалар чоп этилган экан. Аризачи эса ўзининг "Мен нега судландим?" деган сўроғига ҳамон жавоб ололмаган. Биз ҳар бир таҳрирсиз хатимиз остида бўладиган иловани яна бир карра такрорлаб ўтмоқчимиз. Таҳририят қозилик қилиш даъвосидан мутлақо йироқ. Газетамизнинг кейинги сонларида ушбу масала юзасидан мутасадди ташкилотларнинг жавоб мактубларини ҳам эълон қилиш фикридамиз. Балки жавоб хатларида Аҳрор Ҳайдаров нима учун судланганини билиб олармиз.

Оталар дейдики:

Беғубор ёшлик йилларидан камолотнинг вазмин йўлларига отланар экансиз, инсонга хос жамики эзгу хислатларни ўзингиз билан бирга олинг, йўлда қолдирманг!

***

Эй тинчлик, саломатликни истаган одам, агар тинчлик, бахт-саодатни тиласанг, такаббкрликдан узоқ бўл. Ўз манфаатини кўзловчи ярамас кишилар билан суҳбатдош бўлма.

***

Инсон учун биринчи бахт-унинг соғлиғи, иккинчиси-гўзалликдир.

ФАРЗАНДЛИК МАЖБУРИЯТИ

Ушбу мақолани газетада чоп этмаслик, воқеа иштирокчилари номларини элга овоза қилмаслик мумкин эди. Лекин касални яширган билан иситмаси ошкор қилиши бор гап. Шу сабаб андишани бирозгина четга сурдик.

Мамлакатимизда 2002 йил — "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилинди. Юксак маънавиятли халқимизнинг кекса авлодга қадим-қадимдан ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келгани қадриятларимиз улуғлиги белгисидир. Мақолани ўқиб, кимдир хулоса чиқарар, ота-онага муносабатини янада яхши томонга ўзгартирар, эҳтимол, маслаҳат берар, жиллақурса, орамизда оз бўлса-да мерос устида талашаётганлар борлигидан воқиф бўлишар...

Бозор бува белидан қувват, кўзидан нур кетиб, ҳаёти интиҳосига етаётганини сезганмикин, ишқилиб, шу кўчада яшовчи А.Сиддиқовнинг ҳовлисига борди.

— Абдуҳомид, — деди у. — Уйжойни ўғлимга ҳам, қизларимга ҳам бермайман. Набирам Нуриддиннинг номига васият қилмоқчиман. Саводим йўқлиги учун давлат нотариал идорасига мен билан бирга борсангиз. Ҳужжатларга менинг номимдан имзо қўярдингиз.

А.Сиддиқов кекса одамнинг раъйини қайтармади. Улар кетатуриб Бозор буванинг болалик жўраси Саттор Тоировни ҳам эргаштириб олишди. Бу воқеа 2000 йилнинг 28 июн куни бўлган эди. Шу куни Б.Пўлатов Оқдарё туман 1-сон давлат нотариал идораси орқали фарзандлари — Муҳиддин, Жамила, Маҳбуба, Хосиятларни меросдан маҳрум қилиб, набираси, вояга етмаган Нуриддин (Муҳиддиннинг ўғли)га Даҳбет қўрғони, Қ.Раҳимов кўчасидаги 4-уйни васиятнома билан расмийлаштирди. Кейинроқ отахон яна А.Сиддиқовни нотариал идорасига чақиртирди. Бу гал у шу уйни Нуриддинга ҳадя шартномаси орқали совға қилди.

Кўп ўтмай Бозор бува оламдан кўз юмди. Ҳамма машмаша шундан кейин бошланди...

"Отам вафот этишидан олдин, — дейилади Муҳиддин Пўлатовнинг таҳририят мухбирлик пунктига ёзган хатида, — синглим Хосият эри ва уч фарзанди билан уйга кириб олган эди. Нотариал тартибда отам уйни ўғлим Нуриддиннинг номига васият қилган, сўнгра ҳадя этган. Шуни назарда тутиб, Иштихон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига синглим Х.Пўлатовани уйдан кўчиришликни сўраб, даъво аризаси бердим. Аммо суд синглимга уй-жойнинг бир қисмини берди. Аслида куёвим Ширинбой Шарипов билан синглим Хосиятнинг Сиёб туманидаги Мотрид қишлоғида уйлари бор. Отамнинг уйида яшашга уларнинг ҳақлари йўқ. Адолат қарор топишида таҳририятдан ёрдам сўрайман".

— Тўғри, — дейди Иштихон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди судьяси. Х.Ўташев. — Қ.Раҳимов кўчасидаги 4-уй акасингил ўртасидаги низога сабаб бўлаяпти. Лекин суд ишни кўриб чиқиб, тўғри қарор чиқарди. Вилоят суди ҳам бизнинг қароримизни ўзгаришсиз қолдирди.

Ака-сингил — жигарларнинг бир-бирига таъна тошларини отиб, кўнгиллари совушига сабабчи ана шу уйни аслида Бозор Пўлатов турмуш ўртоғи Хуррам Мирова билан биргаликда қурган экан. "Оила" Кодексининг 23-моддасида эр-хотиннинг никоҳи давомида орттирган мол-мулклари уларнинг умумий мулки ҳисобланиши қайд қилинган. Х.Мирова Бозор бувадан уч йил аввал вафот этган. Демак, Фуқаролик Кодексининг 1135-моддасига кўра, марҳума Х.Мировадан қолган мерос мулкига турмуш ўртоғи ва фарзандлари тенг улушларда ворислик ҳуқуқига эга. Шундай қилиб, Бозор Пўлатов турмуш ўртоғи вафот этгандан кейин уй-жойни 100дан 60 қисмини ҳадя қилиш ҳуқуқига эга бўла олади. Қолган қисмига фарзандлари Муҳиддин, Жамила, Маҳбуба, Хосиятлар тенг меросхўр.

Суд шуни назарда тутиб ҳал қилув қарори чиқарган. Даъвогар М.Пўлатовнинг жавобгар Х.Пўлатовага нисбатан уй-жойдан кўчириш ҳақидаги даъвоси юқоридаги ҳолатларга таяниб рад этилган. Қарши даъво бўйича эса, даъвогар Х.Пўлатованинг жавобгарлар — М.Пўлатов ва Оқдарё туман 1-сон нотариал идорасига васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш, ҳадя шартномасини бекор қилиш ҳамда меросхўр деб топиш ҳақидаги даъвосини қисман қаноатлантирган.

Ота-она кексайгач, уларни парвариш лашда ўғил ҳам, қиз ҳам бир хил мажбуриятга эга. Лекин серфарзанд оилалар қизларини турмушга узатиб, ўғилни уйлаб, алоҳида уй-жой қилиб чиқаргач, ўғилларнинг биттаси (кўпинча кенжаси) билан яшайди. Кекса ота-онага ўғил-қизлар ҳам моддий кўмак, амалий ёрдамларини дариғ тутмайдилар. Бироқ савол туғилади: Бозор бува нега нотариал идорага бориб уй-жойни набирасига васиятнома қилиб, ҳадя шартномаси билан совға қилди? Ота умрининг охирги йилларида фарзандларининг меҳри, ёрдамига муҳтож бўлганмикан?...

Суднинг ҳал қилув қарорини ўқиб, гувоҳларнинг кўргазмаси билан танишамиз. Гувоҳ Марҳабо Болтаеванинг кўргазма беришича, у марҳумларни яхши билган. Бозор буванинг боши ёстиққа текканда қизлари қарашган. Муҳиддин эса ота ҳолидан хабар олмай қўйган. Гувоҳ Саноат Аминова ҳам Муҳиддин отаси билан гаплашмаслигини, бир ҳовлида ўзи қолгандан сўнг қизи Хосиятни оиласи билан кўчириб олиб келганини баён этган. Юқоридаги кўргазмани Шариф Жўраев, Раҳмат Турсунмуродов, Шоира Холмирзаевалар ҳам тасдиқлаб гувоҳлик беришган. Гувоҳ Саттор Тоиров кўргазмасида эса Муҳиддин ҳам отасига қарашганлигини айтган.

Муҳиддин билан учрашганимизда у кўзимизга чапанироқ кўринди. Бу ҳолни унинг синглиси билан судлашаётганидан аламзадалигига йўйгандик. Бироқ Муҳиддин нега суддан адолат талаб қилаяпти? Якка ўғил бўла туриб, нега отасининг кўнглидан чиқолмаган? Хосият-чи? Суд аниқ хулосасини айтди. Ахир, тирноқ билан этни ажратиб бўларканми?

Ака-сингил ўртасидаги меҳр риштаси қачон узилди экан? Ва бунга кимни сабабчи дея оламиз? Бу каби саволларни ака-сингил ўзларига бериб кўрдилармикан. Биз уларнинг қилаётган ишларини ўзлари билмай қиляпти, дея олмаймиз. Ҳамма гап ҳам ана шунда. Бу каби масалалар иккала оиладаги фарзандлар онгига ҳам таъсир ўтказади, албатта. Бундай ҳолатларда, ким ҳақ-у ким ноҳақлигидан қатъий назар, фарзандлар қалбида қариндошига нисбатан салбий фикр уйғотиши турган гаплигини унутмаслик лозим.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

Талаба севгилисини сайрга таклиф этди. Улар ресторанининг олдидан ўтаётганда қиз: — Оҳ, — деди. — Қара, таомнинг ҳиди қандай ёқимли-а.

— Ёқдими сенга? — деди студент. — Кел, унда яна шу ердан қайтиб ўтамиз.

***

— Русча бизнес дегани нима?

— Бир яшик ароқ ўғирлаб, уни сотиб, пулига ичиш...

***

— Хуштор нима дегани?

— Эрнинг хўжалик ишлар бўйича муовини.

***

— Қайнонангизга йўлбарс ҳужум қилса нима қиласиз?

— Ўзи ҳужум қилгач, ўзини ўзи ҳимоя қилаверсин.

ОТАГА ҚЎЛ КЎТАРГАН ФАРЗАНД САНАЛМАС

Ёзнинг дим оқшомида сўрида ётган Алар ота кўча эшигининг тарақлаб очилишидан чўчиб тушди. Оёғида зўрға турган, ғирт маст кенжа ўғил Музаффар гандираклаб кириб келарди. Унинг яна бўкиб ичгани, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб келаётгани отанинг кайфиятини бузди. Бирор кўнгилсизлик бўлмаса эди, деб кўнглига хавотир ҳам тушди.

Кутгани бўлди.

Салом-аликсиз яқинлашган Музаффар отасидан пул сўради.

— Ота, минг сўм бер, кўчада такси қараб турибди. Бир сўм ҳам пулим қолмади...

— Нима? Яна ичибсан-да, сенга берадиган бир тийиним ҳам йўқ, — жазавага тушди ота.

— Нима... нима дединг... — дея оқариб-кўқариб гезарди муштлари тугилган ғирт маст ўғил. У югуриб бориб айвондаги жавондан пичоқ олди.

— Пул берасанми, йўқми, — деганча қўлида пичоқ билан отасига ўқиқирди.

— Йўқ, сенга берадиган бир тийин ҳам пулим йўқ, қачон одам бўласан, ифлос...

— Шундайми... мана бўлмаса, — дея Музаффар пичоқни отасининг кўкрагига тиқиб олди. Бу ҳам етмагандай қутурган ўғил отасининг бошига уриб, тепиб юборди. Сўнгра уй девори олдида турган темир қувурни олиб, отасининг бошига урмоқчи бўлди.

Шунда ошхонадан чиқиб қолган онаизор ўғлининг рўпарасида пайдо бўлди. Икки қўли билан ўғлининг қўлига осилиб, темир қувурни ушлаб қолди. Мастлигидан кўзига ҳеч нарса кўринмаётган Музаффар онасини ҳам уриб юборди.

Кўкрагидан қон оқаётган бечора ота кўчага чиқиб, эшик олдида ўйнаётган болалардан қўшниларни, ота-оналарини чақиришини илтимос қилди-ю, йиқилиб, ҳушидан кетди.

Қўшнилар аввал тез ёрдам чақиришди, кейин милицияга қўнғироқ қилишди.

Отага қўл кўтарган, фарзанд саналмас, дейдилар. Дунёга келишига сабабчи бўлган, уни тарбиялаб, емайедирган, ичмай ичирган, одам қаторига қўшган, кичкиналигида эркаланиб бош қўйган отасининг кўксига пичоқ санчган фарзанднинг қандай аталишини ҳаммамиз биламиз.

Отаси кўксига пичоқ санчган Музаффар Нунузов Андижон шаҳрининг Эргаш Ашуров номли кўчасидаги 45-уйда яшаб, оиласидан ажрашган, ҳеч қаерда ёлчитиб ишламай юрган эди. Қонун ичкиликка муккасидан кетиб, ор-номусини йўқотган бу нобакор ўғилнинг жиловини тортиб, ақлини ўнглаб қўйди. У суд ҳукмига кўра, саккиз йилга озодликдан маҳрум қилинди. Зора, у темир панжара ортида ўтириб, ота-онасининг қадрига етишни ўрганса. Қонун-ку ўз сўзини айтди. Лекин унинг фарзандлик виждони уйғонармикин, қилмишига пушаймон бўлармикин, афсус-надомат чекармикин... Ҳамма гап шунда.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифалан ди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди

Навбатчи:
Т. ҲАСАНБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Д. БЕКМУРОДОВА
Компьютер оператори:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.